

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС  
ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ**

**ТОШКЕНТ МОЛИЯ ИНСТИТУТИ**

**МАГИСТРАТУРА БЎЛИМИ**

Қўлёзма ҳуқуқида  
УДК: 33(336,71)

**ХАКИМОВА ЗЕБИНИСО МУЗАФФАРОВНА**

**«МАМЛАКАТ ИҚТИСОДИЁТИНИНГ РЕАЛ СОҲАЛАРИНИ  
РИВОЖЛАНТИРИШДА ҚИСКА МУДДАТЛИ КРЕДИТНИНГ  
АҲАМИЯТИ ВА УНИНГ ХИСОБИ»**

*Мутахассислик: БХА-3-« Банк хисоби ва аудит»*

Магистр академик даражасини олиш учун ёзилган

**ДИССЕРТАЦИЯ**

Илмий раҳбар:  
проф. Қоралиев Т

**ТОШКЕНТ-2013**

Диссертация Тошкент молия институти «Банк хисоби ва аудит»  
кафедрасида бажарилган.

**Илмий раҳбар**

**проф. Қоралиев Т**

**Кафедра мудири**

проф. Қоралиев Т

**Магистратура бўлими бошлиғи**

**и.ф.н., доцент Х.Ахмедов**

<b>МУНДАРИЖА</b>		<b>бетлар</b>
<b>КИРИШ</b> .....		<b>3</b>
<b>1- БОБ.</b>	<b>ТИЖОРАТ БАНКЛАРИ ҚИСҚА МУДДАТЛИ КРЕДИТЛАШ АМАЛИЁТИНИНГ НАЗАРИЙ-ТАШКИЛИЙ АСОСЛАРИ</b>	<b>10</b>
1.1	Тижорат банклари кредитлаш амалиётининг назарий асослари	<b>10</b>
1.2	Тижорат банкларининг кредит операциялари ҳисобини ташкил этишнинг иқтисодий-ҳуқуқий асослари	<b>19</b>
<b>2- БОБ.</b>	<b>РЕСПУБЛИКАМИЗ ТИЖОРАТ БАНКЛАРИНИНГ КРЕДИТЛАШ ОПЕРАЦИЯЛАРИ ҲИСОБИНИ ТАШКИЛ ЭТИШ ВА ИҚТИСОДИЁТНИ КРЕДИТЛАШНИНГ АМАЛДАГИ ҲОЛАТИ ТАҲЛИЛИ</b>	<b>33</b>
2.1	Тижорат банкларида қисқа муддатли кредитлар турлари ва операциялари ҳисобини юритишнинг амалдаги ҳолати.	<b>33</b>
2.2	Республикамик тижорат банклари томонидан иқтисодиётни реал секторини кредитлашнинг жорий ҳолати таҳлили.	<b>53</b>
<b>Ш БОБ.</b>	<b>ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ТИЖОРАТ БАНКЛАРИНИНГ ҚИСҚА МУДДАТЛИ КРЕДИТЛАШ АМАЛИЁТИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ ИСТИҚБОЛЛАРИ</b>	<b>65</b>
3.1.	Қисқа муддатли кредитлашнинг хориж тажрибаси	<b>65</b>
3.2.	Ўзбекистон тижорат банкларининг қисқа муддатли кредитлаш амалиётини такомиллаштириш йўллари	<b>75</b>
<b>ХУЛОСА</b> .....		<b>91</b>
<b>Фойдаланилган адабиётлар рўйхати</b> .....		<b>94</b>

## КИРИШ

**Мавзунинг долзарблиги.** Кредитлаш жараёни тижорат банкларининг муҳим фаолият йўналишларидан бири ҳисобланиб, ундан самарали фойдаланиш банклар молиявий барқарорлигига бевосита таъсир кўрсатади. Бу ўз навбатида тижорат банкларининг кредитлаш амалиётини доимий таҳлил қилиб, такомиллаштириб боришни тақозо қилади.

Кредитларни ўз муддатида қайтарилиши банклар ва мижозлар учун муҳим аҳамиятга эга эканлигига Президентимиз И.А.Каримов алоҳида эътибор қаратиб шундай дейди: “Табиийки, биз орқа-олдига қарамай кредит бериш тарафдори эмасмиз, чунки уларнинг бир қисми охир-оқибатда қайтарилмай қолиши мумкин. Лекин банклар учун хусусий тадбиркорлар, кичик бизнес субъектлари орасидан ишончли мижозлар доирасини шакллантириш вақти келди. Токи кредитлар мижозларнинг қарзларни қайтариш борасидаги ишончли нуфузи ҳамда барқарор молиявий кўрсаткичлари асосида берилсин”<sup>1</sup>.

Мустақиллик йилларида амалга оширилган банк тизимидаги ислохотлар уларнинг мамлакат иқтисодиётидаги ролини кучайтиришга, капиталлашув даражасини оширишга, иқтисодиётнинг реал секторини кредитлаш кўламларини кенгайтиришга ҳамда кўрсатилган хизматлар сифатини яхшилашга имконият яратди. 2012 йилда тижорат банклари активлари ва жами капиталининг ҳажми 2000 йилга нисбатан тегишли равишда 5,5 ва 5,4 бараварга ҳамда иқтисодиётнинг реал секторига жойлаштирилган кредит кўйилмалари эса 5,2 бараварга кўпайди<sup>2</sup>.

Маълумки тижорат банкларида бухгалтерия ҳисобининг юритилиши, бухгалтерия ишининг тўғри ташкил этилиши ва назоратнинг аниқ олиб борилиши банкнинг ўз вазифаларини тўғри бажаришини, мавжуд ва бўлғуси инвесторлар, кредиторлар, ҳукумат муассасалари, вазирликлар, идоралар,

---

<sup>1</sup> Каримов И.А. Банк тизими, пул муомаласи, кредит, инвестиция ва молиявий барқарорлик тўғрисида. - Тошкент: Ўзбекистон, 2005. -455 б.

<sup>2</sup> Ўзбекистон Республикаси Марказий банкнинг маълумотлари асосида муаллиф томонидан ҳисобланди.

жамоатчилик ва бошқа манфаатдор фойдаланувчилар, шунингдек, банк раҳбарияти ва ходимлари учун банк фаолиятига ҳаққоний баҳо бериш имконини яратадиган аниқ ва фойдали ахборот олишни таъминлайди. Шу боис молиявий ҳисоботларнинг халқаро стандартлари (МХХС) асосида тижорат банкларидаги кредит операциялари ҳисоби ва унинг самарали аудитини ташкил қилишни чуқур илмий изланишлар асосида тадқиқ этишни тақазо этмоқда.

Демак тижорат банкларида кредит операциялари ҳисобини ўзига хос хусусиятларидан келиб чиққан ҳолда кредит операциялар аудитини ташкил қилиш ва уни ўтказиш тартиблари тўлиқ ўз ифодасини топмаган. Юқоридаги муаммолар мавзунинг долзарблиги ва илмий жиҳатдан муҳим аҳамиятга эга эканлигини билдирмоқда.

Гарчи ҳозирги кунда тижорат банклари кредит операцияларини ҳисобга олиш ва аудитдан ўтказиш бўйича қатор ишлар қилинган бўлсада лекин, бу борада ечимини кутаётган муаммолар ҳам йўқ эмас. Шу сабабли ушбу муаммоларнинг ечимини топиш учун тижорат банкларининг кредит операциялари ҳисобининг ҳозирги ҳолатини чуқур ўрганиш, уни таҳлил қилиш, аудит текширувдан ўташишда мавжуд бўлган муаммоларнинг ечимини топиш зарурдир.

Тижорат банкларида кредит операциялар ҳисобини юритиш ва унинг назорати билан банкларда ташкил этилган “Фронт-офис” томонидан амалга оширилади. Фронт-офис-банкнинг таркибий қисми бўлиб, қонун ҳужжатларида назарда тутилган банк операцияларини амалга оширишда банк миждозлари билан бевосита мулоқотда бўлган ҳолда уларга барча банк хизматлари кўрсатувчи ходимлар гуруҳи. Ушбу гуруҳга Фронт-офис бошлиғи раҳбарлик қилади.

Унинг асосий вазифаси миждозлар топшириғи ҳамда банк ички фаолияти бўйича амалга оширилиши лозим бўлган операцияларнинг қонунчиликка мос эканлигини аниқлаш ва уларни бухгалтерия ҳисобида акс эттиришга тайёрлашдан иборат. Фронт-офиснинг “Кредитлаш бўлими” қуйидагилардан

ташкил топади: стандарт кредит шартномаларни ишлаб чиқишда иштирок этиш, кредитларнинг янги турларига таклифларни йиғиш, банк кредит сиёсатининг йўналишларини аниқлаш учун ҳар хил иқтисодиёт секторларини молиявий таҳлил қилиш, кредит бериш шартлари бўйича мижозларга маслаҳат бериш ва тушунтириш ишлари олиб бориш, мижоз билан кредит мақсадини дастлабки муҳокамадан ўтказиш, кредит бериш учун қарор қабул қилиш учун мижоз томонидан тақдим этилиши лозим бўлган ҳужжатларнинг рўйхатини аниқлаш, мижоздан кредит олиш учун ариза қабул қилиш, мижознинг кредитга лаёқатлигини ва кредит олишнинг иқтисодий асосланганлигини таҳлил қилиш, кредит қўмитасига кредит бериш учун таклифлар тайёрлаш, кредит шартномасини тайёрлаш, мижоз билан кредит шартномасининг шартларини муҳокама қилиш, мижоздан гаров (кафолат) мажбуриятларини қабул қилиш, Бэк-офис учун кредитнинг барча молиявий шартларини ўз ичига олган Кредит анкетасини тайёрлаш, имзоларни текшириш, мижоз томонидан тақдим этилган баланс ва бошқа ҳисоботлар асосида, унинг молиявий ҳолати бўйича мониторинг олиб бориш, янги берилган кредитлар мониторингини ва амалдаги кредитларнинг доимий текширувини олиб бориш (мақсадли ишлатилиши, ўз вақтида сўндирилиши...), мижознинг ҳисобварағида сўндириш учун маблағ етарли бўлмаган ҳолларда, мижозга кредит ва/ёки фоизларни сўндириш тўғрисида эслатиб туриш, мижозлардан қарзни узиш учун маблағларнинг келиб тушмаслик сабабларини аниқлаш, кредит шартлари ўзгарган ҳолда (яъни, муддатини узайтириш, қарз узиш жадвалининг ўзгариши ва бошқалар) Бэк-офисга фармойишлар тайёрлаш, кредит қўмитаси қарорлари ва Кредит анкетаси асосида қўшимча шартномаларни тайёрлаш, кредитни «фоиз ўстирмаслик» мақомига ўтказиш тўғрисида қарорлар тайёрлаш, Бэк-офис ходимларига кредитни қайтариш масалалари бўйича малакавий ёрдам кўрсатиш.

Банк томонидан берилган кредит амалдаги қийматида акс эттирилади ва у қарздорга берилган пул маблағлари суммасини ифодалайди. Кредит бериш

муносабати билан банк томонидан олинадиган воситачилик ҳақи қарздорнинг молиявий аҳволини ва инвестиция лойиҳаларини қопланишини баҳолаш, кафолатларни баҳолаш ва акс эттириш, гаров ва бошқа таъминотларни ташкиллаштириш бўйича тадбирлар, ҳужжатларни тайёрлаш ва улар билан ишлаш ҳамда битимни яқунлаш билан боғлиқ банк харажатлари компенсациясини ўз ичига олади. Шу каби воситачилик ҳақлари кредит бериш ва келгусида кредит муносабатларида қатнашишнинг ажралмас қисми бўлиб, ва уларга тегишли тўғридан-тўғри харажатлар билан биргаликда, муддати узайтирилади ва реал даромадни тузатиш (корректировка қилиш) сифатида тан олинади. Бундан ташқари, банклар кредит бериш борасида ёзма мажбурият учун воситачилик ҳақи олишлари мумкин.

**Муаммонинг ўрганилганлик даражаси.** Ўзбекистонда бозор иқтисодиётига ўтиш даврида кредит операциялари ҳисобини самарали ташкил этиш билан боғлиқ масалалар масалалар Ш.Абдуллаева, С.Бержанов, О.Иминов, Т.Маликов, С.Норқобилов, О.Намозов, О.Олимжанов, З.Холмахмадов, А.Қодиров, Т.Қоралиев, У.Тухтабоевлар<sup>3</sup> томонидан тадқиқ этилган.

Юқорида қайд этилган иқтисодчи олимларнинг илмий ишларида тижорат банкларининг қисқа муддатли кредитлаш амалиёти ва уни такомиллаштиришнинг устувор йўналишлари мустақил магистрлик тадқиқот объекти сифатида ўрганилмаган. Илмий муаммонинг долзарблиги ва иқтисодий адабиётда етарли тадқиқ этилмаганлиги ушбу мавзунини тадқиқот мавзуси сифатида олиншига асос бўлди.

---

<sup>3</sup> Абдуллаева Ш.З. Банк рисклари ва кредитлаш. - Тошкент: Молия, 2002. -304 б.; Кадыров А.К. Анализ финансово-хозяйственной деятельности банка. - Москва: Вазар-Ферро, 1995. -170 с.; Иминов О.К. Бозор иқтисодиёти шароитида кредит тизими ва уни такомиллаштириш йўллари. Иқтисод фанлари доктори илмий даражасини олиш учун ёзилган диссертация автореферати - Тошкент, 2002. -38 б.; Тухтабоев У.А. Муаммоли кредитлар ва уларни бартараф этиш йўллари. Иқтисод фанлари номзоди илмий даражасини олиш учун ёзилган диссертация автореферати, - Тошкент, 2007. -20 б.

**Диссертациянинг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги.** Тадқиқот иши Тошкент молия институтининг “Банк иши” кафедраси илмий-тадқиқот ишлари режасига мувофиқ бажарилган.

**Тадқиқот мақсади** – Ўзбекистон Республикаси тижорат банкларининг қисқа муддатли кредитлаш ҳисоби амалиётини такомиллаштиришга қаратилган илмий таклиф ва амалий тавсиялар ишлаб чиқишдан иборат.

**Тадқиқот вазифалари.** Диссертация ишининг мақсадидан келиб чиқиб, унинг олдига қуйидаги вазифалар қўйилган:

- тижорат банклари кредитлаш амалиётининг назарий-ҳуқуқий асосларини ўрганиш;
- хорижий банкларнинг қисқа муддатли кредитлаш амалиётини тадқиқ этиш ва умумлаштириш;
- Тижорат банкларининг кредит операциялари ҳисобини ташкил этиш ва уни амалга ошириш тартибини амалий таҳлил этиш;
- тижорат банклари миждозларининг кредит тўловига лаёқатлилигини баҳолаш тизимларини таҳлил қилиш ва такомиллаштиришга қаратилган амалий таклифларни ишлаб чиқиш;

**Тадқиқот объекти** Ўзбекистон Республикасининг тижорат банкларининг қисқа муддатли кредитлаш амалиёти ҳисобланади.

**Тадқиқот предмети** тижорат банклари қисқа муддатли кредитларини бериш ва қайтариш жараёнида юзага келадиган молиявий муносабатлардир.

**Ҳимояга олиб чиқиладиган асосий ҳолатлар:**

- тижорат банклари кредитларининг гаров таъминотида қўйиладиган талабларни унификациялаш ва уларни республика Марказий банки томонидан ўрнатилишини жорий этиш амалий таклифи асослаб берилди;
- ривожланган мамлакатлар банкларининг кредитлаш шаклларида комплекс фойдаланиш, миждознинг кредит тўловига лаёқатлилигини баҳолаш борасидаги тажрибаларини мамлакатимиз банклари фаолиятида ижодий қўллашнинг мақсадга мувофиқлиги асосланди;

– республикамизнинг йирик тижорат банклари кредит портфелининг диверсификация даражасини ошириш мақсадида ҳар бир тижорат банки кредит қўйилмаларининг 25 фоиздан ортиқ қисмини битта тармоқда тўпланишига йўл қўймасликнинг мақсадга мувофиқлиги асослаб берилди;

– банк мижозларининг аксарият қисмида пул оқимининг беқарорлигини ҳисобга олиб, мижозларнинг кредит тўловига лаёқатлилигини баҳолашнинг молиявий кўрсаткичлар усулидан самарали фойдаланишни йўлга қўйишнинг лозимлиги таклиф этилди;

– қисқа муддатли кредитлашнинг овердрафт, контокоррент шаклларида унумли фойдаланиш шарт-шароитлари ишлаб чиқилди.

**Тадқиқотнинг илмий янгилиги** Ўзбекистон Республикаси тижорат банкларининг қисқа муддатли кредитлаш амалиётини такомиллаштиришга қаратилган илмий таклиф ва амалий тавсиялар ишлаб чиқилганлиги билан белгиланади.

Магистрлик тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидаги натижалар орқали намоён бўлади:

– банкларнинг қисқа муддатли кредитлаш амалиётининг назарий-услубий асосларини такомиллаштиришга қаратилган илмий таклифлар ишлаб чиқилди;

– тижорат банкларида кредитлаш операциялари ҳисобини самарали ташкил этиш тижорат банклари фаолиятида устувор аҳамиятга эга эканлиги асослаб берилди;

– республикамиз тижорат банкларининг кредитлаш операциялари ҳисобини ташкил этиш ва уни амалга ошириш жараёнида юзага келиши мумкин бўлган камчиликлар ва уларнинг келиб чиқиш сабаблари аниқланди;

– тижорат банкларининг қисқа муддатли кредитлаш амалиётини такомиллаштириш юзасидан илмий таклиф ва амалий тавсиялар ишлаб чиқилди.

### **Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти.**

Тадқиқот ишининг илмий аҳамияти шундаки, диссертация натижаларидан иқтисодий модернизацциялаш босқичида тижорат банкларининг кредитлаш амалиётини чуқур махсус ўрганишга бағишланган илмий тадқиқот ишларида фойдаланиш мумкин.

Диссертацияда ишлаб чиқилган илмий таклиф ва амалий тавсиялар мамлакатимиз тижорат банкларининг кредитлаш амалиётини такомиллаштиришнинг устувор йўналишлари ишлаб чиқилишида қўлланилиши мумкин. Диссертация материалларидан олий ўқув юртларида “Пул, кредит ва банklar”, “Банк иши” фанларининг ўқув дастурларини такомиллаштириш ва ўқитишда фойдаланиш мумкин.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация кириш, уч боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ҳамда иловалардан иборат. Ишнинг ҳажми 99 бетдан иборат бўлиб, 13 та жадвал, 1 та расм ва 1 диаграммаларни ўз ичига олган.

# 1-БОБ. ТИЖОРАТ БАНКЛАРИ ҚИСҚА МУДДАТЛИ КРЕДИТЛАШ АМАЛИЁТИНИНГ НАЗАРИЙ-ТАШКИЛИЙ АСОСЛАРИ

## 1.1. Тижорат банклари кредитлаш амалиётининг назарий асослари

Хўжалик юритувчи субъектларга ва аҳолига кредитлар бериш тарихан тижорат банклари фаолиятининг асосий йўналиши ҳисобланади. Тижорат банкларининг пайдо бўлиш тарихига бағишланган илмий тадқиқотларга назар ташласак, банклар аввало биринчи новбатда кредит операцияларини бажариш зарурияти туфайли юзага келганлигини гувоҳи бўламиз. Аксарият муаллифларнинг қарашларига кўра, банклар товар-пул муносабатларининг ривожланиши билан боғлиқ равишда эмас, балки кенг кўламдаги кредит операцияларини амалга ошириш зарурияти туфайли пайдо бўлган. Рус иқтисодчи олими И.Трахтенберг фикрига кўра, капиталистик корхоналарнинг фаолияти кредитсиз ривожлана олмай қолган даврда, банклар, тарихий зарурият сифатида юзага келди, шаклланди<sup>4</sup>.

Дастлабки банкларнинг ходимлари шуни тушуниб етдиларки, ҳаракатсиз ётган йирик миқдордаги пул маблағларини вақтинчалик фойдаланишга бериш орқали катта миқдорда даромад олиш мумкин. Шу сабабли, кредитни бериш ва унинг қайтарилишини таъминлаш масаласи юзага келди. Дастлабки даврларда кредитлар учун гаров сифатида кемалар, товарлар, нодир металллар, уй-жойлар ва куллардан фойдаланилди.

Тижорат банкларининг юзага келиши ва ривожланишига бағишланган қатор илмий тадқиқотларда банкларнинг фаолиятида мижозларга ҳисоб-китоб хизматини кўрсатиш кредит операцияларидан кейин юзага келганлиги ўз исботини топган<sup>5</sup>.

Маълумки, кредит тўғрисидаги назариялар, жумладан, кредитнинг қиймат назарияси, капиталлашув назарияси ўтган асрнинг бошларида

---

<sup>4</sup> Трахтенберг И.А. Современный кредит и его организация. - Москва: Л., 1931. -С.191.

<sup>5</sup> Бортник М.Ю. Денежное обращение и кредит капиталистических стран. - Москва: Финансы, 1967. -С.47.

яратилган. Шу сабабли, мазкур назарияларда кредитдан фойдаланишнинг ҳозирги замон шароитидаги хусусиятлари инобатга олинмаган.

Ҳолбуки, ҳозирги даврда кредитдан фойдаланиш шарт-шароитларида сезиларли ўзгаришлар юз берди. Бу ўзгаришлар, бизнинг назаримизда, биринчи навбатда, халқаро банк амалиётида кенг қўлланилаётган Базель талаблари билан боғлиқ. Бунда кредит рискинни бошқаришга нисбатан белгиланган талабларни кучайишида, дунёнинг кўплаб давлатларида кредитнинг ялпи ички маҳсулот таркибидаги салмоғининг сезиларли даражада ўсаётганлигида, кредитлашнинг нисбатан янги шаклларида фойдаланиш кўламини кенгаётганлигида ва кредит таъминотида нисбатан белгиланган талабларни кучайишида намоён бўлмоқда.

Кредит қийматнинг ҳаракати эканлиги ҳамда бу ҳаракатни товар ва пул кўринишидаги маблағларни қайтариб беришлик, муддатлилиқ, тўловлилиқ асосида бериш натижасида юзага келиши кўпгина етакчи иқтисодчи олимларнинг илмий изланишларида ўз аксини топган.

Юқорида таъкидлаб ўтилган айрим муаллифларнинг кредит муносабатларига бағишланган ишларида таҳлил қилиш жараёнида кредит термини, кредитлаш жараёни кўрсатиб ўтилган. Айни вақтда, ушбу категорияга берилган таърифдан кредит ва кредитлаш фаолияти тўғрисидаги, кредитнинг макродаражада фақат бир томонлама эмаслиги исботланган. Кредитнинг функциялари, ҳаракат қонунлари ва охир-оқибат унинг иқтисодий ўсишдаги ўрни ҳақида тўлақонли маълумот берувчи назариялар шаклланган.

Шуниси характерлики, иқтисодий адабиётларда кредит тушунчасининг ўзи бир-биридан фарқланувчи икки шаклда талқин этилади. Биринчидан, кредит пул маблағларини маълум муддатга қайтариб беришлик ва фоиз тўлашлилик шартлари асосида беришни англатади. Иккинчидан, кредит сўзи таржима қилинганда “ишонч” деган маънони англатишини инобатга олсак, миждознинг кредит тўловига лаёқатлилиги кредиторнинг унга ишониш имконияти сифатида тушунилади. Шу сабабли, кредит банклар учун нафақат

пул маблағларини мижозга беришни, балки бошқа бир қатор амалиётларни, жумладан, банк томонидан мижоз мажбуриятлари бўйича кафолатлар беришни ҳам англатади. Бунда банклар томонидан кўпчилик ҳолларда кредитни бериш ва мижознинг мажбуриятларини кафолатлаш ўртасида мавжуд бўлган аниқ фарқлар ҳисобга олинмайди. Мижозларнинг мажбуриятларини кафолатлаш амалиётларига хужжатлаштирилган аккредитивлар қўйиш, мижознинг пуллик мажбуриятлари бўйича кафолатлар бериш, мижозларнинг векселлари бўйича авал бериш амалиёти киради.

Юқоридагилардан келиб чиқиб, “Кредит” тушунчаси тўғрисида яна тўхталадиган бўлсак, кредитнинг ссуда капитали ҳаракатининг шакли эканлигини кўриш мумкин. Айрим ҳолларда кредит тушунчасига “қарзга берилаётган ссуда (товар, пул кўринишида) тижорат ишончи” дея таъриф берилишини гувоҳи бўламиз.

Бизнинг фикримизча, кредитга энг мақбул таъриф бу – вақтинча бўш турган маблағларни маълум муддатга, ҳақ тўлаш шарти билан қарзга олиш ва қайтариб бериш юзасидан келиб чиқадиган иқтисодий муносабатлар мажмуасидир.

Иқтисодий адабиётларда кредит фаолиятининг объекти ва субъектига таъриф бериш орқали иқтисодий фаолият турига кирувчи ва асосий мақсади даромад олишга ҳамда ўз манфаатларига эришишга йўналтирилган фаолиятга кредит фаолияти сифатида таъриф берилган. Кредит фаолияти деганда кредит муносабатлари қатнашчиларининг манфаатларини кўзлаб, ишлаб чиқариш характериға эға бўлган ҳамда банк хизматлари ва операциялари орқали амалға ошириладиган фаолиятнинг йиғиндисини тушунишимиз мумкин.

Кредит фаолияти кредит ресурсларига эҳтиёжни қондиришға йўналтирилган қайта тақсимлашни амалға ошириш ҳамда кредит фаолиятининг субъектлари учун даромад олиш имконини беради. Кредит фаолияти яратувчилик табиатининг моҳияти олинаётган ёки берилаётган ресурслар орқали ўз манфаатларига эришишдан иборат. У иқтисодий

муносабатларнинг ана шу жиҳатини етакчи ўринлардан бирига чиқаради. Кредит фаолиятининг қатнашчилари шу фаолият натижасида бевосита ёки билвосита даромад кўрадилар.

Кредит фаолияти барча манфаатдор тарафларга реал фойда келтиради. Қарз олувчилар маълум бир муддатга ўзларининг тижорат, ишлаб чиқариш ва бошқа шу каби манфаатларига етишиш мақсадида йирик пул капиталидан фойдаланиш имконига эга бўладилар. Кредиторлар эса фоиз кўринишида даромад оладилар. Бундан ташқари, кредит фаолияти ишлаб чиқаришга инвестициянинг кириб келишини рағбатлантиради, прогрессив таркибий силжишларга туртки бўлади. Бугунги кунда кредит иқтисодий макродаражада тартибга солишнинг муҳим воситаларидан бирига айланган. У миллий валюта ва баҳолар барқарорлигини, иқтисодий ўсишни таъминлаш каби бирламчи масалаларни ҳал этишда ёрдам беради. Шундай қилиб, кредит фаолиятини икки субъект - қарз олувчи ва қарз берувчи (кредитор)ларнинг бўлишини тақазо этадиган амалиёт дейиш мумкин.

Бозор иқтисодиёти шароитида хўжалик субъектлари иқтисодий ва ижтимоий ривожланиш учун доимо қўшимча пул маблағларига эҳтиёж сезадилар. Ана шундай пул маблағларининг манбалари банкларнинг ўз ва жалб қилинган маблағлари бўлиши мумкин. Корхоналар маблағ етишмовчилигидан қийналаётган ҳолларда кредит ресурслари бозорига мурожаат қилишга мажбур бўладилар.

Молиявий ресурсларнинг асосий таъминотчиси бўлиб банк тизими ҳисобланади. На суғурта ва нафақа фондлари, на молиявий инвестицион компаниялар инвестицион фаолиятни юксалтиришда керакли молиявий кудратга эга эмасликлари сабабли, молиявий эҳтиёжларни қондириш имкониятига эга эмаслар. Бундан ташқари, республикада қийинчилик туғдирадиган омиллардан яна бири - бу қимматли қоғозлар бозорининг ривожланмаганлигидир.

Ресурсларни қайта тақсимлаш махсус воситачилар – яъни, янги пул яратувчилари бўлмиш банклар орқали амалга оширилишига асосий урғу

берилади. Мижозларнинг ҳисоб рақамларида сақланаётган маблағларни банклар назарий жиҳатдан ўз хохишларига кўра ишлатолмайдилар. Бу маблағлар банкка эмас, балки мижозга тегишлидир. Лекин айнан бир объектга турли томонлар эгалик қила олмайдилар, кредитнинг ҳажми назарий жиҳатдан ҳеч қандай чекланиш (чегара)ларга эга эмаслиги сабаби бу пулларнинг соф генерацияси банклардир.

Кредит ёрдамида иқтисодиётнинг тўлов воситаларига бўлган эҳтиёжи таъминланади, пул маблағларини фаол тўлов оборотидан чиқиб қолишига барҳам берилади, иқтисодиётнинг капиталлашув даражаси ошади. Айни вақтда, кредитнинг иқтисодиётга ва у орқали жамият ҳаётига салбий таъсири ҳам мавжуд. Масалан, иқтисодиётга ҳаддан зиёд кўп кредит ажратилса, бу ҳолат инфляциянинг кучайишига сабаб бўлиши мумкин. М.Фридменнинг фикрига кўра, тижорат банклари томонидан иқтисодиётни кредитлашни кескин ошириб юборилиши пуллар таклифини кучайишига ва шунинг асосида баҳоларнинг ўсишига олиб келади.

Кредитнинг миллий валюта курсига таъсири, фикримизча, пуллар таклифи нуқтаи-назаридан кўриб чиқилса мақсадга мувофиқ бўлар эди. Бунинг сабаби шундаки, муомаладаги пул массасининг 85-90 фоизи тижорат банкларининг кредит эмиссияси орқали шаклланади. Демак, миллий валюта таклифига таъсир қилувчи асосий омил – бу тижорат банкларининг кредит эмиссиясидир. Агар кредит эмиссиясининг миқдори кескин ошса, бу ҳолат миллий валютадаги нетто-активлар таклифининг ошишига олиб келади. Бунинг натижасида миллий валютанинг хорижий валютага нисбатан белгиланган алмашув курси пасаяди.

Ҳозирги шароитда, бизнинг назаримизда, кредитнинг неокейнсиан назариясининг тамойилларидан фойдаланиш мақсадга мувофиқдир. Ушбу назария давлатнинг барча иқтисодий жараёнларда фаол иштирокига асосланади, бунда кредит асосий инструментлардан бири ҳисобланади.

Амалиёт шуни кўрсатадики, кредит воситасида пулларни хўжалик айланмасига киритиш ҳар қандай ҳолатда мумкин. Нақд пулсиз ўтказмалар

шароитида Марказий банк ҳам, тижорат банклари ҳам техник жиҳатдан исталган миқдордаги пулни муомалага чиқариши мумкин. Аммо тижорат банкларининг нақд пулни муомалага чиқариш имконияти чекланган. Чунки муомаладаги нақд пул миқдори Марказий банк балансининг пассивидаги мажбуриятлар суммасидан ошмайди ва нақд пулни эмиссия қилиш ваколати фақат Марказий банк зиммасидадир. Марказий банк муомалага чиқарадиган тўлов воситалари унинг балансини актив қисми доирасида амалга оширилади, тижорат банкларининг имконияти эса, уларнинг ликвидлилигига нисбатан белгиланган талаблар билан чегараланади.

Пул маблағларини кредит сифатида беришда, юқорида таъкидлаганимиздек, қуйидаги шартларга риоя қилиниши талаб этилади: муддатлилиқ; тўловлилиқ; қайтаришлиқ; таъминланганлиқ ва мақсадлилиқ. Табиийки, мазкур шартларни тўлиқ бажарилиши берилган кредит бўйича рискнинг ошишига йўл қўймайди. Кредитнинг мақсадлилиги унинг мижоз фаолиятининг банкка маълум бўлган ва банк томонидан маъқулланган йўналишга берилишини англатади.

Тижорат банкларининг кредитлаш амалиётини ташкил қилиш, унинг самарадорлигини таъминлаш хусусидаги масалалар тўғрисида тўхталиб, Д.МакНотон ривожланаётган мамлакатларда кредитлаш амалиётини ташкил қилишнинг зарурий шартларидан бири кредитларни гаров таъминоти асосида беришни одатий ҳол сифатида қабул қилишдир, деган хулосага келди.<sup>6</sup> Унинг фикрига кўра, гаров сифатида олинадиган мулкнинг сотилиш баҳоси кредит ва унинг фоизини қайтаришга етиши лозим. Бу эса, мулкни доимий равишда қайта баҳолаб туришни тақозо қилади. Бизнинг фикримизча, олимнинг мулкни даврий баҳолаш тўғрисидаги фикри республикамиз амалиёти учун ҳам жуда муҳим ҳисобланади. Чунки мулкларнинг жорий баҳосини тез-тез ўзгариш ҳолати мамлакатимизнинг хўжалиқ амалиётига хос бўлган ҳолат ҳисобланади.

---

<sup>6</sup> Д. МакНотон. Банковские учреждения в развивающихся странах. - ИЭР МБРР. - Вашингтон Д.С., 1993.- С.75

Ҳозирги кунда республикамызда миллий валюта курсининг чет эл валюталарига нисбатан доимий равишда ўсиб бориш тенденциясини ҳамда баҳоларнинг мунтазам ўсишини инобатга олган ҳолда кредит учун гаров сифатида қабул қилинган мол-мулк баҳосини ҳар ой ёки ҳар чорак якунига қайта баҳолашни йўлга қўйиш зарурдир.

Фикримизча, компенсацион қолдиқ халқаро банк амалиётида мижознинг кредит тўлови билан боғлиқ харажатларини камайтириш воситаси сифатида ўзини оқлаган. Уни республикамыз банк амалиётида қўллаш кредит линиясининг мижоз учун қулай кредитлаш шакли сифатидаги аҳамиятини янада оширишга хизмат қилган бўлар эди.

Ҳозирги замон жамиятида банклар кўп сонли ва хилма - хил молиявий хизматлар кўрсатадиган муассасага айланди. Улар орқали иқтисодиёт тармоқларини кредитлаш, қимматли қоғозларни сотиб олиш ва сотиш операциялари, корхоналарга тегишли мулкларни бошқариш операциялари ва бошқа бир қатор молиявий операциялар амалга оширилмоқда. Бироқ шунга қарамадан кредит операциялари тижорат банклари учун бирламчи аҳамиятга эга бўлган операция сифатида сақланиб қолмоқда.

Қисқа муддатли кредитлаш бу кредитлаш объектлари, кредитлаш методлари, яъни кредитлаш тамойиллари бўйича кредит бериш ва қайтариш усулларига асосланган ҳолда кредитнинг капитал айланишида қатнашиши тушунилади.

Банкларнинг қисқа муддатли кредитлашини ташкил қилиш турли мамлакатларда давлатнинг меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларига асосланади. Яъни, банклар учун мижоз ва банк талабларини, Марказий банкнинг меъёрий ҳужжатлари, шунингдек, миллий тарихий банк ишларини ҳисобга олиш заруриятини билдиради.

Хорижий ва миллий иқтисодчилар кредитнинг моҳияти ва ролига нисбатан турли хил назарий ёндашувларга эга бўлсалар-да, уларнинг барчаси банкларни қисқа муддатли кредитлашни ташкил қилиш асосини корхонанинг

тўлов айланмаси қонуний эканлиги билан боғлашади<sup>7</sup>. Капитал айланишининг асосий қонуниятлари сифатида унинг узлуксиз таъминланиши тушунилади.

Жаҳон амалиётида тарихан қисқа муддатли кредитлаш тизимининг эволюцияси бир марталик мақсадли кредитларнинг умумий тўлов айланмасини кредитлашга ўтишга асосланган. Кредитларни бериш ва сўндиришнинг аниқ усуллари банкларнинг ташкилий хусусиятлари ва уларни корхоналар билан ўзаро муносабатлари, қонунчилик меъёрлари таъсири остида шаклланди. Бу усуллар Ғарб мамлакатларининг кредитлаш тизимларини бир-биридан фарқ қилувчи қисқа муддатли кредитлаш шаклларида ўз аксини топди. Масалан, АҚШда кредит линиялари<sup>8</sup>, Германияда контокоррент кредитлари<sup>9</sup>, Буюк Британияда овердрафт кредитлаш шакллари кенг қўламда қўлланилади. Амалиётда мазкур шакллар мижозлар тўлов айланмаси узлуксизлигини таъминлаш ва банклар кредитлаш ҳажмини ошириш имконини беради.

Мамлакат банкларининг кредитлаш амалиётида корхоналарда ўз айланма маблағларининг кескин етишмовчилиги қисқа муддатли кредитлашни ривожлантиришнинг долзарблигини белгилайди.

Хулоса сифатида:

Биринчидан, тижорат банклари томонидан мижозни кредит линияси очиш йўли билан кредитлашда компенсацион қолдиқдан фойдаланиш, биринчидан кредит риси даражасининг пасайишига, иккинчидан, кредитлашнинг ушбу шаклининг иқтисодий жозибадорлигини ошишига олиб келади;

---

<sup>7</sup> Левчук К.И. Эффективность краткосрочных кредитных вложений. - Москва: Финансы и статистика, 1988. - 109 с.; Лаврушин О.И. Банковское дело: современная система кредитования. Учеб. пос. / под. ред. О.И. Лаврушина. - Москва: КНОРУС, 2006. -256 с.; Қоралиев Т.М. ва бошқалар. Хўжалик юриштирининг ҳозирги босқичида кредит механизми ва банклар. –Тошкент, 1991. -80 б.; Абдуллаева Ш.З. Пул, кредит ва банклар. – Тошкент: Молия, 2007. - 348 б.

<sup>8</sup> Тимоти У.Кох. Управление банком. Пер. с англ. В 5-ти книгах, 6-ти частях. Уфа: Спектр. Часть 5, 1993. -19 с.

<sup>9</sup> Лексис В. Кредит и банки. - Москва: Перспектива, 1993. - С. 44-45.

иккинчидан, тижорат банклари биринчи навбатда қисқа муддатли кредитлаш институтлари ҳисобланади, шу сабабли, уларнинг брутто кредитлари ҳажмида қисқа муддатли кредитлар юқори салмоқни эгаллайди;

учинчидан, қисқа муддатли кредитлаш шаклларида фойдаланиш кўлами бўйича ривожланган мамлакатларнинг кредитлаш тизими биридан фарқланади. Бу эса, мазкур мамлакатлар банк тизимининг ривожланиши, кредит механизмидаги ўзига хосликлар билан изоҳланади. Ривожланган мамлакатлар тажрибаларини чуқур урганган ҳолда Республикамизда иктисодиётни кенг куламли тармогини қисқа муддатли кредитлашнинг янги шакллари яорий қилиш ва амалиётга тадбиқ қилиш иктисодиётни барқарор ривожланишини таъминлайди.

## **1.2. Тижорат банкларининг кредит операциялари ҳисобини ташкил этишнинг иқтисодий-ҳуқуқий асослари**

Тижорат банклари томонидан амалга ошириладиган актив амалиётларининг асосий қисмини хужалик юритувчи субъектларни кредитлаш ташкил қилади. Тижорат банкларида кредит операцияларини ҳисобга олишда асосан қуйидаги тушунчалардан фойдаланилади.

**Кредитлар ва олинishi лозим бўлган маблағлар ҳисобварақлари** – фаол бозорда котировка қилинмайдиган, улар бўйича тўловлар олдиндан белгиланган ёки ўрнатилган ноҳосилавий молиявий активлар бўлиб, уларга қуйидагилар қирмайди:

1) банк зудлик билан ёки яқин келажакда сотмоқчи бўлган, ва шу сабабли сотишга мўлжалланган деб таснифланиши лозим бўлган, ёки дастлабки тан олишда сотиб олиш ва сотиш учун деб таснифланган молиявий активлар;

2) банк томонидан дастлабки тан олинishiда сотиш учун мавжуд деб таснифланган активлар;

3) эгаси ўзининг бошланғич инвестицияси суммасини амалда ундириб ололмайдиган активлар, лекин активлар сотиш учун мавжуд деб таснифланиши лозим бўлган тақдирда, кредитнинг қадрсизланиш ҳолатлари бундан истисно.

**Реал фоиз ставка усули** – активнинг (мажбуриятнинг) хизмат муддати давомидаги кечиктирилган (масалан, ҳар ойда эмас, ҳар йилда олинадиган ёки тўланадиган) фоизли тўловларга тақсимлаш орқали дисконт ёки мукофотни фоизли даромадга (ёки харажатга) амортизациялаш йўли билан доимий фоиз ставкасини тан олинishiга олиб келадиган усулдир;

**Реал фоиз ставкаси** – молиявий активнинг мўлжалланган хизмат муддати давомида ёки мақбул бўлган ҳолда, қисқароқ даврда кутилаётган келгуси пул тўловлари ёки тушумлари оқимларини унинг соф баланс қийматигача аниқ дисконтлайдиган ставка;

**Қадрсизланишдан кўриладиган (ёки кўрилиши мумкин бўлган) зарар** - кредитнинг баланс қиймати унинг қопланадиган қийматидан ошиб кетган сумма. Бу қарздор кредитни тўлиқ суммаси (асосий қарз ва фоизлар)ни қайтараолмаслигини ва банк зарар кўришига келтириши мумкинлигини билдиради.

**Қопланадиган қиймат** – кредитнинг баланс қиймати ва кредитнинг дастлабки реал фоиз ставкаси бўйича дисконтлашдан кутилаётган пул оқимларининг жорий қийматидан энг каттаси.

Банкларда бухгалтерия ҳисобини ташкил этиш асослари халқ хўжалиги турли тармоқларига қарашли корхона ва ташкилотларнинг бухгалтерия ҳисоби асослари билан деярли ўхшаш. Улар 1996 йил августидаги Олий Мажлис сессиясида қабул қилинган Ўзбекистон Республикасининг “Бухгалтерия ҳисоби тўғрисида”ги қонунда ўз ифодасини топган. Ушбу қонундан келиб чиққан ҳолда, банкларда бухгалтерия ҳисобини юритишнинг методологик асослари қуйидагилар бўлиб ҳисобланади:

а) хўжалик фаолияти ҳақидаги маълумотларни дастлабки ҳужжатларда акс эттириш;

б) хўжалик операцияларини, банк мулкани пулдаги ифодасини белгилаш;

в) барча операцияларни икки ёклама ёзув асосида группалаштириш, бунда ёзувларни ҳисобварақлар режасидаги ҳисобрақамлар асосида олиб бориш;

г) ҳисоб-китоб ва бошқа операциялар якунида маълум санага банк хўжалик фаолиятига тавсиф бериш, яъни банк балансини тузиш.

Банкларда бухгалтерия ишини ташкил этиш асослари корхоналар бухгалтерия ҳисобига ўхшаш бўлсада, баъзи бир ўзига хос хусусиятлари ҳам мавжуд. Шу сабабли банкларда бухгалтерия ҳисобини ташкил қилишда қуйидаги қонуний ҳужжатлар асос қилиб олинади:

1. Ўзбекистон Республикасининг “Ўзбекистон Республикаси Марказий банки тўғрисида”ги қонуни;

2. Ўзбекистон Республикасининг “Банклар ва банк фаолияти тўғрисида”ги қонуни;

3. Ўзбекистон Республикасининг “Бухгалтерия ҳисоби тўғрисида”ги қонуни;

4. Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг “Ўзбекистон Республикаси банкларида бухгалтерия ҳисобини юритиш ва бухгалтерия ишларини ташкил қилиш тартиби тўғрисида”ги 1834-сонли йўриқнома.

5. Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг 2004 йилдаги «Ўзбекистон Республикаси тижорат банкларида бухгалтерия ҳисоби ҳисобварақлари режаси» ва унга киритилган узгартириш ва қушимчалар.

6. Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг бошқа меъёрий ҳужжатлари.

Банкларда бухгалтерия ҳисобини ташкил қилиш қоидалари “Ўзбекистон Республикаси банкларида бухгалтерия ҳисобини юритиш ва бухгалтерия ишларини ташкил қилиш тартиби тўғрисида”ги 1834-сонли йўриқномада батафсил ёритилган, жумладан йўриқномада бухгалтерия ҳисоби юритиш қоидалари, бухгалтерия аппаратининг структураси берилган, банк операциялари ҳисобини юритиш ва уларни назорат қилиш қоидалари кўрсатилган, миқдорларга хизмат кўрсатиш ҳамда ҳужжатлар айланишини йўлга қўйиш усуллари тўғрисида кўрсатмалар берилган. Бундан ташқари бухгалтерия ҳисоботини тузиш ҳамда халқаро андозаларга асосланган бошқа банк операцияларини бажариш ҳажмлари ва тартиби белгилаб қўйилган. Шунингдек, йўриқномада бухгалтерия ҳисоби вазифалари кўрсатиб берилган бўлиб, бу вазифалар қуйидагилардир:

- ҳисоб-китоб, касса, валюта, кредит ҳамда бошқа банк операцияларини тўғри бажариш ҳамда уларни бухгалтерия ҳисоби ва ҳисоботида ўз вақтида ва аниқ акс эттириш;

- банк активлари, мажбуриятлари, даромадлари ва харажатлари ҳамда капитали ҳолати ва улардаги ўзгаришлар тўғрисида ишончли маълумотлар тўплаш;

- банкнинг молиявий ҳолати, молиявий ҳолатидаги ўзгаришлар ва молиявий натижалари тўғрисидаги ва банк раҳбарияти фаолиятига баҳо берувчи молиявий ҳисоботларни тузиш учун хизмат қилувчи ахборотлар тизимини яратиш;

- банк иш куни тартибига қатъий риоя қилиш, миждозларга тез ва аниқ хизмат кўрсатиш;

- ҳисоб-китоблардаги маблағлар айланишини тезлаштириш;

- банкдан чиқаётган ҳужжатларни тегишли тарзда расмийлаштириш ва бунинг натижасида улардан фойдаланишни осонлаштириш, шунингдек, бошқа банкларда ушбу ҳужжатлар билан операциялар бажарилишини ҳамда улар томонидан хизмат кўрсатувчи миждозларнинг операциялари ҳисобини юритишни белгиланган талабларга мувофиқлаштиришни ташкил этиш;

- банкдаги пул маблағлари, моддий қимматликлар, шунингдек, қатъий ҳисобда турувчи бланкалар камомади ёки ортиқчалигига йўл қўймаслик ҳамда белгиланган тартибда уларнинг сақланишини ташкил этиш;

- операцияларнинг қонунийлиги ҳамда тўғрилигини доимий ички назорат ва аудитдан ўтказиш, уларнинг натижалари бўйича маълумотномалар тузиш ва расмийлаштириш имкониятини яратиш;

- замонавий компьютер техникаси воситаларидан фойдаланган ҳолда банк операциялари ҳисобини дастурий амалга ошириш, ҳисоб ишларини юритиш ҳамда ҳисоботлар тузишда меҳнат ва маблағ сарфини қисқартириш ва ҳоказо.

Умуман, йўриқномада баён этилган бухгалтерия иши ва бухгалтерия ҳисоби юритишни ташкил этишнинг тартиби янги компьютер техникаси қўлланиладиган шароит асосида белгиланган. Йўриқномада ва унинг иловаларида берилган операцияларни бажариш, расмийлаштириш, ҳисобга олиш ва назорат қилиш тўғрисидаги кўрсатмалар Ўзбекистон Республикасидаги барча банклар учун мажбурийдир.

Юқорида биз, банкларда бухгалтерия ҳисобининг роли, бухгалтерия ҳисоби олдида турган вазифалари, бухгалтерия ҳисобини олиб боришнинг

асосларини кўриб чикдик. Энди бухгалтерия ҳисоби ва молиявий ҳисобот маълумотларининг аҳамияти хақида қисқача фикр юритамиз.

Тижорат банклари Ўзбекистон Республикаси қонунчилиги мулкчиликнинг қайси шаклига тааллуқли бўлишдан қатъий назар, улар томонидан юритиладиган бухгалтерия ҳисоби Марказий банк ва Молия Вазирлиги томонидан чиқарилган йўриқнома ва кўрсатмалар талаби даражасида бўлиш керак.

Айни пайтда бу йўриқномалар ўз вақтида банк филиалларига етказилмоғи, шу билан бирга маҳаллий органлар, солиқ назорати органлари билан мувофиқлаштирилган бўлиши лозим. Чунки банк бухгалтерия ҳисоби маълумотларидан фойдаланиш доираси жуда кенгдир. Хусусан, бухгалтерия ҳисоби ва шу асосда тузиладиган банкнинг молиявий ҳисоботлари, унинг маълумотлари Давлат тартибга солиш органлари (Марказий банк, Молия Вазирлиги, Давлат Солиқ қўмитаси) учун тижорат банкларининг молиявий аҳволи, пул муомаласининг ҳолати, халқ хўжалигидаги нақд пулсиз ҳисоб-китоблар ҳолатини ўрганиш учун ўта муҳимдир.

Банк эгалари учун, шу билан бирга унинг хиссадорлари учун бу маълумотлар банк маблағларининг қандай жалб қилинаётганлиги, улардан қай усулда фойдаланилаётганлиги, банк актив операциялардан қандай молиявий натижалар кутилаётганлигини билиш учун жуда муҳимдир. Бундан ташқари, бухгалтерия ҳисоби маълумотлари банк раҳбарлари, унинг ходимлари, айни чоғда банк мижозлари учун ҳам қизиқарлидир. Чунки банк раҳбарлари ва барча ходимлари банкнинг кунлик активлари ва мажбуриятларининг ҳолати, даромадлари ва харажатларининг структураси билан қизиқсалар, банк мижозлари эса банк ликвидлиги ва унинг барқарорлик даражасини билишни истайдилар. Банк молиявий аҳволи ёмонлашувини сезган мижозлар бошқа барқарор банкка ўз маблағларини ўтказиб унинг хизматидан фойдаланишни афзал кўрадилар. Куйидаги жадвалда бухгалтерия ҳисоботининг фойдаланувчилар ва уларнинг манфаати учун зарур бўлган маълумотлар келтирилган.

Бухгалтерия ҳисоби маълумотлари ва улардан фойдаланувчилар<sup>10</sup>

№	Фойдаланувчилар	Фойдаланувчиларнинг манфаати учун зарур бўлган маълумотлар.
1	Акционерлар ва таъсисчилар	Банкнинг молиявий ҳолати ва дивидентлар фоизи бўйича келгусидаги дивиденд сиёсати
2	Инвесторлар	Маблағларни сарфлашдан кўриладиган иқтисодий самарадорлик ва таваккалчилик даражаси
3	Кредиторлар ва депозиторлар	Банкнинг молиявий барқарорлиги, яъни кредиторлар ва депозиторларга ҳисобланган фоизларни тўлаш имконияти ва хоказо.
4	Чет эл банклари	Банк корреспондентнинг ишончилигини билиш
5	Марказий банк	Банк тизимининг барқарорлиги ва самарали бошқарилаётганлиги тўғрисидаги маълумотлар
6	Давлат солиқ кўмитаси	Активлар, даромад, харажатлар ва солиқ тўланиши бўйича маълумотлар
7	Мижозлар	Банкнинг молиявий барқарорлиги ва тўловга лаёқатлилиги
8	Ишчи ва хизматчилар	Меҳнат ҳақини тўлаш ва иш шароитини яхшилаш қобилияти.

Демак, банк бухгалтерия ҳисоби маълумотлари банк ҳақидаги аниқ маълумотларни олиш нуқтаи назаридан Марказий банк, Солиқ Қўмитаси, барча тижорат банклари ва мижозлар учун жуда зарурдир. Бу маълумотлар асосида банкнинг ликвидлиги, йўл қўяётган хатари, резервлари, кредит портфели ҳолатини белгилаш имконияти яратилади.

Банк томонидан бериладиган кредитлар муддатига кўра қисқа ва узоқ муддатли бўлиши мумкин.

Қисқа муддатли кредитлар 1 йил муддатга, узоқ муддатли кредитлар 1 йилдан ортиқ муддатга берилади.

Қисқа муддатли кредитларнинг ҳам ҳар хил турлари мавжуд, улар бир биридан кредит бериш шартлари, таъминлаш тарзи, қоплаш муддатлари билан фарқ қилади.

<sup>10</sup> Маълумотлар асосида муаллиф томонидан тузилди.

Ҳозирги кунда қисқа муддатли кредитлар ҳисоби Адлия вазирлиги томонидан 2004 йил 17 декабрда № 1435 сон билан рўйхатга олинган, Марказий банки Бошқарувининг 2004 йил 27 ноябрдаги 25/9-сонли Қарори билан тасдиқланган № 594 сонли “Тижорат банкларида кредитларнинг бухгалтерия ҳисобини юритиш тартиби тўғрисида”ги Низом ва бошқа Марказий банкнинг меъёрий ҳужжатларига асосан ташкил этилган.

Қисқа муддатли кредитлаш операцияларининг ҳисобини юритиш учун тижорат банкларининг ҳисобварақлар режасида бир канча асосий ҳисобварақлар очилган:

11900 Марказий банкка берилган қисқа муддатли кредитлар;

12100 Бошқа банкларга берилган қисқа муддатли кредитлар;

12300 Ҳукуматга берилган қисқа муддатли кредитлар;

12400 Бюджет ташкилотларига берилган қисқа муддатли кредитлар;

12500 Жисмоний шахсларга берилган қисқа муддатли кредитлар;

12600 Якка тартибдаги тадбиркорларга берилган қисқа муддатли кредитлар;

12700 Давлат корхона, ташкилот ва муассасаларига берилган қисқа муддатли кредитлар;

12900 Чет эл капитали иштирокидаги корхоналарга берилган қисқа муддатли кредитлар;

13000 Нодавлат нотижорат ташкилотларига берилган қисқа муддатли кредитлар;

13100 Хусусий корхоналар, хўжалик ширкатлари ва жамиятларга берилган қисқа муддатли кредитлар;

13200 Банк бўлмаган молиявий муассасаларга берилган қисқа муддатли кредитлар;

Ушбу баланс ҳисобрақамларида банкнинг резидент ҳамда норезидент бўлган шахсларга миллий ва чет эл валюталарда берилган кредитларнинг ҳисоби олиб борилади. Кредитлар муддати, қарздорлар ва кредитнинг

мақоми бўйича таснифланади. Кредитлар мақоми бўйича қуйидагича таснифланади:

Муддати ўтган кредитлар-банк ва мижоз ўртасида тузилган кредит шартномасига кўра ўз вақтида қайтарилмаган кредитлар. Бу тоифадаги кредитлар муддатсиз ҳисобланиб, имконияти бўлиши билан ундириб олинади.

Шартлари қайта кўриб чиқилган кредитлар-ўзаро қайта кўриб чиқилган ёки қайта тузилган шартномаларга асосан муддати, янги фоиз ставкаси ёки таъминланганлик ҳолатига қўшимча талаблар ва шу каби бошқа шартномаларининг ўзгариши билан боғлиқ бўлган кредитлардир.

Муддати ўтган кредитлар бўйича фоизлар кўзда тутилмаган ҳолатлар ҳисобрақамида ҳисобга олиб борилади ва қарздор кредитни қайтараётганда фоизлар ҳам бирга ундириб олинади.

Ушбу ҳисобрақамлар бошқа банкларга ва мижозларга берилган кредитлар суммасига дебетланади. Банк томонидан барилган кредитлар қайтарилганда ёки муайян кредитнинг мақоми ўзгариши муносабати билан бошқа турга ўтказилаётганда ва ушбу кредитлар бўйича қурилган зарар қопланаётганда тегишли кредит ҳисобрақамлари кредитланади.

Берилган кредитлар бўйича қурилиши мумкин бўлган зарарлар учун захиралар банкнинг даромадлари ҳисобидан яратилади. Ушбу захиралар қарздорнинг молиявий ҳолатини, берилган кредитнинг таъминланганлиги ва қайтмаслик рискларини баҳолаш натижасида яратилади.

Юқоридаги ҳисобрақамларнинг барчаси бир қатор субҳисобрақамларни ўз ичига олиб, улар муддатли, муддати ўтган, қайта қуриб чиқилган кредитлар бўйича алоҳида-алоҳида ҳисоб юритилади. Агар кредит ҳисобрақами 01 билан тугаса берилган қисқа муддатли кредит, 05 билан тугаса берилган муддати ўтган кредит, 09 билан тугаса берилган шартлари қайта кўриб чиқилган кредитлар ҳисобга олинади.

Корхона ва ташкилотларга ёки алоҳида олинган жисмоний шахсларга ссуда ҳисоб варағи очилгандан сўнг улар бўйича ссуданинг берилиши ва

Ҳар қандай фаолиятдагидек банк фаолияти ҳам мавжуд маблағларни энг кам хатар асосида жойлаштириб юқори даромад олиш имкониятига эга бўлишни кўзда тутди. Юқори даромад олиш эса ўз навбатида банклар олиб борадиган операцияларнинг хатарлилик даражасини оширади, чунки банклар асосан четдан жалб қилинган ресурслар билан ишлайдилар. Улар бир томондан ўз акциядорлари олдида жавобгар бўлсалар, иккинчи томондан, ўз маблағларини ишониб топширган ва банк хизматларидан фойдаланаётган миқозлар олдида мажбуриятга эгадирлар. Шу сабабли, тижорат банклари бошқа хўжалик субъектларига қараганда бир неча баробар юқори хатар билан фаолият кўрсатадилар.

Маълумки, кредитлаш амалиётининг тижорат банклари фаолиятида тутган ўрнини баҳолашда банк активлари ҳамда уларнинг ЯИМдаги салмоғини ўрганиш муҳим аҳамият касб этади.

### 3 -жадвал Ўзбекистон Республикаси тижорат банклари активлари динамикаси ва уларнинг ЯИМ даги улуши<sup>12</sup>

Кўрсаткичлар	2008йил	2009йил	2010 йил	2011 й	2012 й
ЯИМ млрд.сўм	37746,7	48097,0	61000,8	77800,0	96600
Активлар умумий суммаси, млрд.сўм	12064,7	15703,1	20740	27500,0	35744
ЯИМ га нисбатан %	32,0	32,6	33,5	35,3	37,0

Мазкур жадвал маълумотларидан кўриниб турибдики, банк активлари йилдан-йилга ўсиш хусусиятига эга. Уларнинг мамлакат ЯИМдаги улушига назар ташлайдиган бўлсак, 2008-2012 йиллар мобайнида ушбу кўрсаткич мунтазам равишда ўсиб бормоқда. Сабаби, ҳукумат томонидан 2009-2012 йилларга мўлжаллаб қабул қилинган Инқирозга қарши комплекс чора-

<sup>12</sup> Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг маълумотлари ([www.cbu.uz](http://www.cbu.uz))

тадбирлар дастури республика банк-кредит тизимида инқироз таъсирини юмшатиш ва баргараф этишда муҳим аҳамиятга эга бўлди.

Шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Президентининг «2011-2015 йилларда республика молия-банк тизимини янада ислоҳ қилиш ва барқарорлигини ошириш ҳамда юқори халқаро рейтинг кўрсаткичларига эришишнинг устувор йўналишлари тўғрисида» 2010 йил 26 ноябрдаги ПҚ-1438-сонли Қарори мамлакатимизда банклар томонидан реал секторни молиявий қўллаб-қувватлашдаги ролини янада ошишига замин яратди.

Тадқиқотлар натижасига кўра, банк активларининг асосий қисмини кредит қуйилмалари ташкил этади. Сабаби, тижорат банкларида кредитлаш амалиётини тўғри ташкил этилиши туфайли банкнинг асосий даромадлари шакллантирилади. Бундан ташқари мамлакат иқтисодий ўсишини таъминлашда банк кредитларининг ўрни катта. Мамлакат ЯИМда банк кредитлари улушининг ортиб бориши иқтисодиётна жадал суръатларда ўсишини таъминлайди.

#### 4 - жадвал

#### Ўзбекистон Республикаси тижорат банкларининг кредит қуйилмалари ЯИМдаги улуши<sup>13</sup>

КЎРСАТКИЧЛАР	2008	2009	2010	2011	2012	2012 йилда 2008 йилга нисбатан ўзгариши,%
ЯИМ трлн.сўм	37,7	48,0	61,8	77,8	96,6	256,2
Кредит қуйилмалари умумий суммаси, трлн.сўм	6,4	8,6	11,5	15,6	20,4	318,8
ЯИМ га нисбатан %	16,9	17,8	18,6	20,0	21,1	124,8

Жадвал маълумотларидан кўринадики, республикаимиз тижорат банклари кредит қуйилмалари умумий суммаси йиллар мобайнида ўсиш тенденциясига эга. 2008 йилда банкларнинг кредит қуйилмалари салмоғи 6,4 трлн.сўмни ташкил этган бўлса, 2012 йилга келиб 2,56 баробарга ошган.

<sup>13</sup> Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг маълумотлари ([www.cbu.uz](http://www.cbu.uz))

Шунингдек, ЯИМни ўсиш динамикаси ҳам юқори суръатларда ўсаётганлигини кўриш мумкин. Хусусан, мамлакатимизда ЯИМ сўнгги беш йил ичида деярли 3 баробарга ўсган. Шунга мос равишда банкларнинг кредит қўйилmalarининг ЯИМдаги улуши ҳам йилдан-йилга ўсиб бормоқда. Ўтган беш йил ичида ЯИМга нисбатан кредит қўйилmaları салмоғи қарийб 1,25 баробарга ўсганлигини кўриш мумкин. Лекин ривожланган давлатларда бу кўрсаткич анча юқори даражага эга. Иқтисодиётни банк кредитлари билан таъминланганлиги ЯИМни 60% фоизини ташкил этса бу нормал ҳолат ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикаси тижорат банклари томонидан мамлакат иқтисодиётига ажратилган кредит қўйилmalarининг ўсиши қисқа муддатли ёки узоқ муддатли кредитлар ўсиши эвазига ўзгаришини таҳлил этиш муҳим аҳамият касб этади. Шу сабабли тижорат банклари томонидан берилган қисқа ва узоқ муддатли кредитларнинг амалдаги ҳолатини таҳлил қилиш муҳим аҳамиятга эгадир.

**5 - жадвал**

**Тижорат банклари томонидан мамлакат иқтисодиётига ажратилган кредитлар динамикаси<sup>14</sup>**

Кўрсаткичлар	2009 йил		2010 йил		2011 йил		2012 йил	
	Сумма млрд. сўм	%	Сумма млрд. сўм	Сумма млрд. сўм	Сумма млрд. сўм	%	Сумма млрд. сўм	%
Жами кредитлар	8556,8	100	11539	100	15652,0	100	20392,0	100
Қисқа муддатли кредитлар	1848,3	21,7	2769,3	24,0	3850,4	24,6	4730,9	23,2
Узоқ муддатли кредитлар	6708,5	78,3	8769,6	76,0	11801,6	75,4	15661,1	76,8

<sup>14</sup> Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг маълумотлари ([www.cbu.uz](http://www.cbu.uz))

Жадвал маълумотларидан кўринадикки, республикаимиз банклари томонидан берилган кредитларнинг умумий ҳажмида қисқа ва узоқ муддатли кредитларнинг ўзаро нисбати барқарорлигича қолган.

Банклар томонидан ажратилган кредит қўйилмалари қолдиғи эса 30,5 фоизга ўсиб, 2013 йилнинг 1 январь ҳолатига кўра 20,4 трлн. сўмни ташкил этди.

Ажратилган кредитларнинг 85,8 фоизи ички манбалар ҳисобига берилган бўлиб, ташқи қарзлар асосан узоқ муддатга, асосан иқтисодиётнинг стратегик тармоқларини модернизация қилиш, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларини қўллаб-қувватлаш бўйича инвестиция лойиҳаларини молиялаштириш учун жалб қилинмоқда.

Банкларнинг умумий кредит портфелида узоқ муддатли кредитларнинг улуши эса, 76,8 фоизни ташкил қилиб, уларнинг ҳажми 2011 йилдагига нисбатан 30,7 фоизга ошди.

6 - жадвал

Кредит портфелида иқтисодиёт тармоқларининг улуши, % да<sup>15</sup>

№	Тармоқлар	2011 йил	2012 йил	Фарқи (+;-)
1.	Саноат	41,30	45,25	3,95
2.	Кишлоқ хужалиғи	11,30	9,50	- 1,80
3.	Транспорт ва коммуникация	5,14	4,83	- 0,31
4.	Қурилиш	6,63	6,17	- 0,46
5.	Савдо ва умумий овқатланиш	10,63	9,76	- 0,87
6.	моддий-техник таъминоти ва маиший хизмат	3,33	3,11	- 0,22
7.	Уй жой ва коммунал хизмати	1,36	1,47	0,11
8.	Бошқа тармоқлар	20,24	19,91	- 0,33

Кредит портфелини иқтисодиёт тармоқлари бўйича таркибини урганадиган бўлсак, бунда саноатга берилган кредитларнинг жами кредит

<sup>15</sup> Abhor-reyting Рейтинг агентлиги маълумотлари. [www.abhor.uz](http://www.abhor.uz)

портфелидаги улуши 2011 йил 41,3 %ни ташкил қилган бўлса, 2012 йилда 45,25% ни ташкил қилиб, 2011 йилга нисбатан 2012 йилда 3,95 пунктга қупайган. Бу шундан далолат берадики, 2012 йилда жами кредит портфелининг таркибида саноатнинг улуши янада қупайиб бораётганидан далолат беради. 2012 йилда қишлоқ хужалиғи 9,5% ни, транспорт ва коммуникация соҳасига 4,83% ни, қурилиш соҳасига 6,17% ни, моддий-техник таъминоти ва маиший хизмат соҳасига 3,11% ни ва бошқа соҳаларга 19,91% ни ташкил қилади. Кредит портфелида тармоқларнинг улуши тахлили шуни курсатадики, 2011 йилга нисбатан 2012 йилда портфел улушида саноат 3,95 пунктга қупайиб, қишлоқ хужалиғи улуши 1,8 пунктга пасайган. Қолган тармоқларда ҳам жами портфелга нисбатан унча катта бўлмаган пасайиш қузатилган.

Инқирозга қарши чоралар дастури, жумладан, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2008 йил 18 ноябрдаги ПФ-4053-сонли “Иқтисодий реал сектори қорхоналарини молиявий барқарорлигини янада ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ва 2008 йил 28 ноябрдаги

ПФ-4058-сонли “Иқтисодийнинг реал сектори қорхоналарининг қўллаб-қувватлаш, уларнинг барқарор ишлашини таъминлаш ва экспорт салоҳиятини ошириш чора-тадбирлари дастури тўғрисида”ги Фармонларида белгиланган вазифаларнинг ижроси изчил амалга оширилмоқда.

Хусусан, 2013 йилнинг 1 январь ҳолатига кўра, тижорат банклари томонидан жами 168 та иқтисодий ночор қорхона банк балансига қабул қилинган бўлиб, ушбу қорхоналарда ишлаб чиқаришни тиклаш ва модернизация қилиш мақсадида банклар томонидан 388 млрд. сўмлик инвестициялар киритилди ҳамда фаолияти тикланган қорхоналарнинг 120 таси янги мулкдорларга 919,3 млрд. сўмга сотилди.

Бугунги кунда тижорат банклари балансидаги фаолияти тикланган қорхоналарни янги мулкдорларга сотиш ишлари олиб борилмоқда ҳамда 11 та қорхонада ишлаб чиқаришни йўлга қўйиш бўйича технологик

линияларни тиклаш, қурилиш-таъмирлаш, янги ускуналар ўрнатиш ва модернизациялаш билан боғлиқ ишлар амалга оширилмоқда.

Умуман олганда, банклар балансига олинган ҳолда фаолияти тикланган корхоналарда жами 1,7 трлн. сўмлик маҳсулот (хизмат) ишлаб чиқарилди ва шундан, 480,0 млн. АҚШ доллари миқдоридан маҳсулот экспорт қилинди.

Тижорат банклари кредит қўйилмалари ҳажмида узоқ муддатли кредитларнинг юқори салмоққа эга эканлиги хорижий банклар ва молия институтларининг кредит линиялари ҳисобидан катта миқдорда инвестициявий лойиҳаларни кредитланганлиги билан изоҳланади.

Тижорат банклари кредитлаш амалиётининг самарадорлигига таъсир килувчи асосий омиллардан яна бири кредитларнинг тури ҳисобланади.

Ҳозирги вақтда республикамиз банк амалиётида кредитлар турларига кўра икки йирик гуруҳга бўлинади:

- қисқа муддатли кредитлар (1 йил муддатгача бериладиган кредитлар);

- узоқ муддатли кредитлар (1 йилдан ортиқ муддатда бериладиган кредитлар);

Республикамиз банк амалиётида Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг 2004 йил 17 июлдаги 578-сонли “Ўзбекистон Республикаси тижорат банкларида бухгалтерия ҳисоби ҳисобварақлари режаси” номли йўриқномасига асосан ўрта муддатли кредитлар тоифаси бекор қилинди.<sup>16</sup>

Ўрта муддатли кредитлар тоифасини бекор қилинишининг асосий сабаблари қуйидагилардан иборат:

1. Халқаро банк амалиётида кредитларнинг асосан қисқа ва узоқ муддатли турлари тан олинади;

2. Республикамиз банк тизимида ўрта муддатли кредитларнинг сезиларли қисми бир неча марта пролонгация қилиниши натижасида узоқ муддатли кредитларга айланди ва натижада уларнинг бухгалтерия ҳисобини юритишда ва таҳлил қилишда қийинчиликлар юзага келди;

---

<sup>16</sup> Ўзбекистон Республикаси тижорат банкларида бухгалтерия ҳисоби ҳисобварақлари режаси.-Тошкент: Янги аср авлоди, 2004 йил.

3. Айрим тижорат банкларида қисқа муддатли кредитларни муддатида қайтарилмаслиги, пролонгация қилиниши натижасида уларнинг муддатини бир йилдан ошиб кетиши, яъни ўрта муддатли кредитларга айланиши юз берди.

Тижорат банклари томонидан берилган қисқа муддатли кредитларнинг узок муддатли кредитларга нисбатан қиёсий таҳлилини амалга ошириш кредитлаш амалиётининг таҳлилини бойитишга хизмат қилади. Бунинг боиси шундаки, кредитларнинг муддати бўйича фарқланиши кредитлаш шаклларига ҳам ўз таъсирини ўтказади.

7 -жадвал<sup>17</sup>

**Республикамиз тижорат банклари томонидан иқтисодиётни турли субъектларига ажратилган кредитлар,(млрд.сўм)**

КЎРСАТКИЧЛАР	2011 ЙИЛ	2012 ЙИЛ	ЎЗГАРИШИ	
			Млрд.сўм	%
<b>Активлар</b>	27500,0	35744,0	8244	130,0
<b>Иқтисодиётни реал секторига берилган кредитлар</b>	15600,0	20392,0	4792	130,7
<b>Кичик бизнес субъектларига берилган кредитлар</b>	4100,0	5346,0	1246	130,4
<b>Инвестицион кредитлар</b>	4400,0	5760	1360	130,9


Жадвал маълумотларини кўрадиган бўлсак, тижорат банклари томонидан мамлакат иқтисодиётига ажратилаётган кредит қўйилмалари ҳажми йилдан-йилга ошиб бормоқда. Масалан, иқтисодиётна реал секторига берилган кредитлар ҳажми 2012 йилда 2011 йилга нисбатан 30,7 фоизга, кичик бизнес субъектларига берилган кредитлар эса, 30,4 фоизга, инвестицион кредитлар 30,9 фоизга ошганлигини кўриш мумкин. Буларниг ҳаммаси албатта мамлакатимизда банк-молия соҳасида олиб борилаётган изчил ислохотларнинг меваси десак адашмаймиз.

<sup>17</sup> Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг маълумотлари ([www.cbu.uz](http://www.cbu.uz))

Шунингдек, сўнгги йилларда мамлакатимиз банклари кредит портфели ҳам тубдан яхшиланиб бормоқда. Банкларимиз турли хил соҳаларга ўзларининг кредит қўйилmalarини жойлаштиришда самарали ишлар олиб боришмоқда.

1 -расм.<sup>18</sup>

**Ўзбекистон Республикаси тижорат банклари томонидан кичик бизнес субъектларига берилган кредитлар динамикаси (млрд, сўм)**



Расм маълумотларидан кўриниб турибдики, республикаимиз тижорат банклари томонидан кичик бизнес субъектларини молиявий қўллаб-қувватлаш йилдан-йилга ошиб бормоқда. Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни молиявий қўллаб-қувватлаш борасида тижорат банклари томонидан амалга оширилган чора-тадбирлар, жумладан, ушбу сектор субъектларини кредитлаш ҳажмларининг ўсиши ички бозорни истеъмол товарлари билан тўлдириш ва аҳоли бандлигини оширишга сезиларли ҳисса қўшмоқда.

2012 йилда, тижорат банклари томонидан кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларига барча молиялаш манбалари ҳисобидан ажратилган кредитлар 2011 йилга нисбатан 1,3 баробарга ошиб, 5 трлн.

<sup>18</sup> Ўзбекистон Республикаси Марказий банки маълумотлари. (www.cbu.uz).

346 млрд. сўми ташкил этди. Ушбу ажратилган кредитларнинг 1 трлн. 172 млрд. сўми микрокредитлар бўлиб, уларнинг ҳажми 2011 йилдагига нисбатан 1,5 баробарга ўсди. Шунингдек, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик фаолиятининг жадал ривожланишида унга хизмат кўрсатувчи инфратузилма муассасаларининг ташкил этилиши ва хизмат сифати даражасининг яхшиланиб бориши сезиларли таъсир кўрсатмоқда. Ўзбекистонда кичик бизнеснинг давлат томонидан қўллаб – қувватланиши Мустақиллик йилларида республикада кичик бизнес сезиларли ривожланди. Аммо кичик корхоналарни ташкил қилиш суръати, уларнинг барқарор ривожланиши ва умумий иқтисодий тизимдаги ўрни ҳали бозор иқтисодиёти талабларига тўла жавоб бермайди. Кичик бизнесни ривожлантириш йўлида қўллаб қийинчиликлар пайдо бўлди, уларни фақат давлат томонидан қўрилган ташкилий ва иқтисодий – ижтимоий чора – тадбирлар асосидагина бартараф қилиш мумкин.

#### 8 -жадвал<sup>19</sup>

#### Ўзбекистон Республикаси тижорат банклари томонидан барча молиялаш манбалари ҳисобидан кичик бизнес субъектларига берилган кредитлар динамикаси, млрд.сўм.

т / р	Кредит турлари	Йиллар						2012 йилда 2007 йилга нисбатан ўзгариши
		2007	2008	2009	2010	2011	2012	
1	Барча молиялаш манбалари ҳисобидан	743,7	1250,7	1851,7	2690,2	4100	5346	7,2 марта
2	Хорижий кредит йўналишлари, млн АҚШ доллари	55,2	73,9	121,8	103,1	143,4	181,7	3,3 марта
	шу жумладан							
3	Микрокредитлар	110,0	202,5	322,1	485,2	752,3	1172	10,1 марта


<sup>19</sup> Ўзбекистон Республикаси Марказий банки маълумотлари асосида тузилди.

Жадвал маълумотларидан кўринадикки, 2007-2012 йилларда республикамиз тижорат банклари томонидан кичик бизнес субъектларига берилган кредитларнинг миқдори ўсиш тенденциясига эга бўлди. Хусусан ушбу соҳага йўналтирилган кредитларнинг ўтган 6 йил давомида 7,2 баробарга, микрокредитларни эса, 10,1 мартага ошганлигини кўришимиз мумкин. Бу ҳолат асосан, банкларнинг ўз маблағлари ҳисобидан берилган кредитларнинг ўсиши билан изоҳланади. 2013 йилнинг 1 январь ҳолатига кўра мамлакатимиз банклари томонидан барча молиялаш манбалари ҳисобидан кичик бизнес субъектларига берилган кредитларнинг 70 фоизи банкларнинг ўз маблағлари ҳиссасига тўғри келди. Ушбу ҳолатни икки жиҳатдан баҳолаш мумкин. Яъни, мазкур юқори кўрсаткич бир томондан, банкларнинг кичик бизнес субъектларини кредитлаш борасида етакчи мавқега эга эканлигидан далолат берса, иккинчи томондан, нобанк кредит муассасаларининг кичик бизнесни кредитлаш амалиётининг етарли даражада такомиллашмаганлигидан далолат беради.

Хозирги кунда Республикамиз тижорат банклари томонидан қисқа муддатли кредитлар қуйидаги мақсадларга ажратилмоқда:

- Хом ашё ва материаллар сотиб олиш учун;
- савдони молиялаштириш учун;
- Мавсумий ва бошқа турдаги товар моддий қимматликлар учун;
- Ишлаб чиқариш ва маҳсулот тайёрлаш билан боғлиқ мавсумий харажатлар учун;
- Янги турдаги маҳсулотлар ишлаб чиқариш ва тайёрлаш харажатлари учун;
- Янги маҳсулот ишлаб чиқариш, сифатини ошириш, ишлаб чиқариш ҳажмини қупайтириш ва ишлаб чиқариш технологиясини янгилашга;
- Корхонанинг уз айланма маблағларини тулдиришга;
- Иш хақи буйича қарздорлик туловларини амалга ошириш ва бошқа мақсадларга.

**ОАТБ “Микрокредитбанк” томонидан кичик бизнес субъектларига ажратилган кредитларнинг муддати бўйича тақсимланиши,(млрд.сўм)**



Юқоридаги диаграмма маълумотларини таҳлил қиладиган бўлсак, банк томонидан тақдим этилаётган кредитларнинг катта қисми узоқ муддатли кредитларни ташкил этмоқда. Йиллар мобайнида таҳлил қиладиган бўлсак, кичик муддатли кредитлар ҳам, узоқ муддатли кредитлар ҳам деярли бир хил ўсиш тенденциясига эга, лекин уларнинг ўртасидаги нисбат 4 баробардан кўплиги кўринади. 2012 йилда узоқ муддатли кредитлар 229,3 млрд. сумни ташкил қилган булса кичик муддатли кредитлар 59,3 млрд. сумни ташкил қилган. Бу ҳолат ижобий бўлиб, биринчидан банк ресурс базаси мустаҳкамланаётганлигини кўрсатса, иккинчидан кичик бизнес субъектлари фаолиятини янада кенгайтираётганлигини англатади.

<sup>20</sup> ОАТБ “Микрокредитбанк” йиллик ҳисобот маълумотлари.

**ОАТБ “Микрокредитбанк” томонидан кўрсатилган имтиёзли  
микромолиявий хизматларнинг кредит турлари бўйича  
таркиби,(млрд.сўм)**

№	Кўрсаткич номи	2008	2009	2010	2011	2012
1.	<b>Бошланғич сармоялар</b>	9,9	10,3	13,0	14,1	22,8
2.	<b>Микролизинг хизматлари</b>	10,0	19,9	26,1	37,0	70,3
3.	<b>Айланма маблағлар</b>	22,7	33,3	51,7	70,3	107,3
4.	<b>Жами</b>	42,6	63,5	90,8	121,4	200,4

Жадвал маълумотларини кўриб шундай хулоса қилиш мумкинки, банк томонидан ўтган йиллар давомида мижозларга кўрсатилаётган микромолиявий хизматлар кўлами тез суръатлар билан ўсган. 2008 йилда ушбу хизматларнинг умумий суммаси 42,6 млрд.сўмни ташкил этган бўлса, 2012 йилга келиб деярли 5 баробарга ошган. Ушбу хизматлар ичида салмоқли ўринни айланма маблағларни тўлдириш мақсадида берилган кредитлар ташкил қилади.

Хулоса урнида шуни айтиш мумкинки, бугунги кунда мамлакатимиз банклари ўзларининг ривожланиш стратегиясини айнан реал сектордаги ўсиш билан чамбарчас боғламоқдалар. Улар корпоратив мижозларининг нафақат эришилган ҳажмларни сақлаб қолиш, балки ишлаб чиқаришни кенгайтириш ёки рақобатбардош янги маҳсулотлар ишлаб чиқаришга йўналтирилган инвестицион лойиҳаларини амалга ошириш учун қулай шароит яратиб бермоқдалар.

Шу билан бирга тижорат банклари ўз маблағларини иқтисодиёт реал сектори корхоналарининг капиталлашув даражасини янада ошириш ва молиявий барқарорлигини мустаҳкамлаш, иқтисодий ночор корхоналарни молиявий соғломлаштириш ва бошқариш механизмларини такомиллаштириш, иқтисодиётни таркибий ўзгартириш, ишлаб чиқаришни модернизациялаш, техник ва технологик қайта жиҳозлаш жараёнига фаол

<sup>21</sup> ОАТБ “Микрокредитбанк” йиллик ҳисобот маълумотлари.

йўналтирмоқда. Ҳозирги пайтда банкрот деб эълон қилинган ишлаб чиқариш корхоналари аукцион ва танлов савдоларида тижорат банкларига мулк сифатида сотилмоқда. Банклар ўз навбатида бу корхоналарни молиявий соғломлаштириш ва қайта тиклаш бўйича ўз инвестицион маблағларини киритмоқда. Иқтисодий муваффақият аёнки, банк тизимининг ривожини, унинг реал секторни кредитлаш салоҳияти билан чамбарчас боғлиқ. Мамлакатимиз банклари реал секторни молиялаш орқали ўзининг истиқболдаги тараққиётини белгилаб олмоқдалар ва республика иқтисодиётининг ҳар томонлама ўсиши учун қулай шароит яратмоқдалар.

### **3-БОБ. ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ТИЖОРАТ БАНКЛАРИНИНГ ҚИСҚА МУДДАТЛИ КРЕДИТЛАШ АМАЛИЁТИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ ИСТИҚБОЛЛАРИ**

#### **3.1. Қисқа муддатли кредитлашнинг хориж тажрибаси**

Сўнгги йилларда Россия амалиётида тарқалиб келаётган янги турдаги қисқа муддатли банк кредитларидан бири овердрафтдир.

Овердрафт-бу банк томонидан миқознинг (жорий,корреспондент) ҳисоб- рақамини кредитлаш ва тўлов ҳужжатларини миқознинг (жорий,корреспондент) ҳисоб- рақамидан тўланишидир.

Россия амалиётига кириб келган овердрафт хорижий амалиётида кенг қўлланиб келиши билан аҳамияти.

Э.Я.Брегелянинг фикрича овердрафт банк томонидан ўз миқозларининг жорий ҳисоб рақамларидаги мавжуд омонатлари миқдоридан ошиқ миқдорда пул маблағларини бериш асосида юзага келади. Натижада жорий ҳисоб –рақамдадебит қолдиқ юзага келади ва банк учун пассив моддадан активга ўтиши билан ифодаланади.

Замонавий Россия иқтисодий адабиётларида овердрафтнинг шаклланиши унинг технологик жараёнлар билан боғлиқ ҳолда шакллантирилиши билан кузатилади. Г.Г.Коробовнинг ёзишича “Овердрафт –қисқа муддатли кредитлаш бўлиб, у банк миқознинг ҳисоб-рақамида пул маблағларининг ҳисобдан чиқариш, бошқача айтганда миқоз ҳисоб-рақамида “манфий”дебит қолдиғини шакллантиришидир”.

Иқтисодий моҳиятига кўра овердрафт мураккаб шаклга эга қисқа муддатли кредитдир.У миқознинг фавқулотда юзага келган талабларини қоплаш мақсадида универсал кредитдир.

Россия амалиётида овердрафтни қўлланиши хориж амалиётидан бир оз фарқ қилади. Принципан фарқи унинг кредитлаш муддати бўлиб, француз қонунчилигида овердрафт муддатсиздир,Россия амалиётида эса унга нисбатан муддатлар ўрнатилади ,миқоз ҳисоб рақамида маблағларнинг етишмаслиги ёки йўқлиги натижасида банк томонидан миқознинг жорий ёки

вакиллик ҳисоб- рақамларини кредитлашда лимитлар шу билан бирга мижоз томонидан кредит бўйича мажбуриятларини бажариш муддатлари белгилаб берилади.

Намаён бўлишича Россияда хориж амалиётида юритиладиган 2 хил кредитларнинг бирлашиши юзага келган: улар молиявий мажбуриятларини қопланишига қисқа муддатли кредит ва овердрафт кредитидир.

Овердрафтнинг тарихий кўриниши қисқа муддатли молиявий мажбуриятларни қопланишида бир неча кун ва муддатнинг ўрнатилиши, ҳамда корхоналарнинг аниқ даврларда юзага келадиган қисқа муддатли молиявий дефицитларни қопланиши, шу билан бирга кириш ва чиқиш ўртасидаги ўзишлар кредитланади.

Хориж амалиёти каби, Россия овердрафтининг кўриниши нақд пулсиз мажбуриятларни қопланишида ссудаларни лимитлаш ва қисқа муддатли тўлов дивидитини қоплашига йўналтирилади. Шу билан бирга миллий ва хорижий амалиётда бир қанча аниқ фарқлар мавжуд. Бу фарқланиш қуйидаги жадвалдан кўриб чиқамиз.

## 10 - Жадвал

### Россия ва хориж амалиётида овердрафтдан фойдаланишнинг солиштирма тавсифланиши<sup>22</sup>.

Хориж амалити	Россия амалиёти
Муддатсиз ссудалар	30 кунлик муддатли кредитлар
Жорий ҳисоб рақамини қарздорлигини инобатга олмаган ҳолда шу ҳисоб- рақамда кредитлаш	Мажбуриятларни қоплаш мақсадида очилган ҳисоб рақам ларини иш куни якунида кредитлаш.
Давомий овердрафт кўзда тутилган	Давомий овердрафт кўзда тутилмаган
Доимий овердрафт кўзда тутилган	Доимий овердрафт кўзда тутилмаган
Кафолат талаб қилинмайди	Таъминот ва кафолат талаб қилинади
Тўхтатиладиган ва тўхтатилмайдиган ссуда қарздорлиги	Тўхтатиладиган ссуда қарздорлиги ташкил этилади
Ёзма келишувга кўра ва келишувсиз кредитланади	Кредитлаш фақат шартнома асосида амалга оширилади

<sup>22</sup> [www.bankreferatov.ru](http://www.bankreferatov.ru) сайти маълумотлари

Юқоридаги фарқланишларга қарамай Россия амалиётида овердрафт модификациялашган тури кенг қўлланилмоқда.

Овердрафт контокоррент кредитининг турли кредити сифатида намаён бўлади. Овердрафт бўйича кредит контокоррент кредити сингари ссуда категориясига кириб, қўшимча пул маблағларини жалб қилиниши билан ифодаланади. 2 турдаги кредит ҳам табиий кўринишда тўлов маблағлари дефицитини қоплашга йўналтирилган банкнинг қисқа муддатли кредитидир.

Контокоррент ва овердрафт кредитининг мақсади жорий ва қўшимча капиталга бўлган талаб бўлиб, қайсики кафолат ТМЗ айланишида, балки жами айланишларда иштирок этади.

Овердрафт ва контокоррент кредит тури бир қанча техник –ташкилий деталлари билан ҳам ўхшашдир. Улар:

- I синфга мансуб қарз олувчиларга тақдим қилинади(I синф, II синфлар);
  - ташкилий жиҳатдан талаб қилиниб олигунча кредит бўлиб, амалиётда эса доимий мижозларга узайтирилади.
  - ўрнатилган лимитлардан ошмаган ҳолда маълум ҳажмда юритилади. доимий қийматликлар, гаров, кафолат билан асосланади.
  - кредит шартномаси билан расмийлаштирилади
- Кредитлар фарқини қуйидаги жадвалдан кўриб чиқамиз.

11- Жадвал

### **Овердрафт ва контокоррент кредитларнинг фарқи<sup>23</sup>**

<b>Овердрафт</b>	<b>Контокоррент</b>
Кредит ҳажмига кўра	
Жорий ишлаб чиқариш талабларига	Жорий(қисқа муддатли) ишлаб чиқаришдаги талаблар ва капитал харажатлар
Ҳисоб-рақамлари кўшилишига кўра	

<sup>23</sup> [www.bankreferatov.ru](http://www.bankreferatov.ru) сайти маълумотлари

Асосий ҳисоб рақамда юритилиб, кредит ҳажми маблағлар етишмаслиги ёки пул маблағларида берилади	Асосий ҳисоб рақам ёпилиб ягона актив ва пассив ҳисоб рақам очилади
Тўлов оборотининг ташкилий тузилмасига кўра	
Барча жорий мажбуриятлар ҳисоб рақамида юритилади	Барча тўловлар ягона контокоррент ҳисоб рақамида олиб борилади
Кредитлаш муддатига кўра	
Муддати 30 кун	Муддати йўқ
Шартнома тузиш механизмига кўра	
Шартнома ҳар гал қайтадан тузилмайди. Кредит келишувига кўра тақдим қилинади	Шартнома кредит келишувлари автомат тарзда контокоррент даврининг узайтирилиши билан ифодаланади.
Қолдиқ ҳисоб рақами юритилишига кўра	
Тўлов оборотида юзага келган(келишувлар) узилишлар, кун якунида ҳисоб рақамида акс эттирилади	Барча тўловлар контокоррентда юритилиб дебит қолдиқ миқдорнинг банкка қарзи, кредит қолдиқ эса банкнинг миқдорга қарзидир.
Бошқа ҳисоб рақамларининг мавжудлигига кўра	
Асосий ҳисоб рақами билан биргалликда қўшимча ва кредит бўйича ҳисоб рақамлар ҳам мавжуд бўлади	Контокоррент – ягона ҳисоб рақами
Мақсадли кредитларни тақдим қилинишига кўра	
Мақсадли кредитлар тақдим қилинади	Мақсадли кредитлар тақдим қилинмайди ,негаки барча ишлар контокоррентда юритилади.
Мақсадли тақдим қилинишига кўра	
Ойлик иш ҳаққи, мукофотлар ва бошқа тақдирлашлар ҳамда банклардан олинган қарзларни узишда ишлатиш мумкин эмас.	Ойлик иш ҳаққи,мукофотлар ва бошқа турдаги тақдирлашлар, ҳамда кредит бўйича қарзларни ва банклардан олинган кредитларни узишга ишлатиш мумкин.
Кредитни сўндиришга кўра	
Ҳисоб рақамида тўпланган кредит, қолдиғи миқдори қарздорликни сўндирилишига йўналтирилади .	Кредитни сўндирилиши маҳсулот сотишдан тушган тушум , контокоррентдаги қўйилмалар эвазига амалга оширилади.
Бошқариш турига кўра	
Ҳисоб рақамига келиб тушган барча пул мабағлари,кредит сўндиришга йўналтирилади, шунинг	Контокоррент бўйича ҳисоб-китоб битимлар бўйича маълум даврда, чоракда ёки ярим йилликда 1

учун кредит ҳажми тушумга боғлиқ бўлади .	маротаба амалга оширилади.
---	----------------------------

Жадвал маълумотида кўра, овердрафт ва контокоррент кредити бир-биридан масштаб кўринишида ва ташкилий – техник тузилиши билан фарқ қилади. Овердрафт бўйича тўловлар қисқа муддатли қарз ресурсларини шакллантириш асосида корхона ортиқча қаршиликларсиз жорий мажбуриятларни қоплашга йўналтирилади.

Шунинг учун ҳам овердрафт контокоррентнинг бир тури эмас, балки банкнинг мустақил ссудаси сифатида бошқа кредит туридан фарқ қилади. Ушбу кредитнинг таснифи сифатида унинг тақдим этилишида алоҳида таҳлил ишларини олиб бормаган ҳолда ва қайта ҳисоб-рақами очилмаслиги билан ифодаланган. Шунинг учун ҳам овердрафт фақатгина молиявий мустаҳкам ва ижобий кредит тарихига эга мижозларгагина тақдим этилади.

Овердрафтни юритиши банкка ҳам мижозларга ҳам бир қанча қулайликлар яратади: тижорат банклари овердрафтдан фойдаланганда қуйидаги қулайликларга эга бўлади:

бир хил тартибда ўз ва жалб қилинган ресурслардан фойдаланиш;

овердрафт бўйича доимий очиқ ҳисоб варақларни юритиш ва уларда операйиялар олиб бориш;

мижоз ҳисоб-рақамида пул маблағларининг етишмаслиги натижасида банк томонидан автоматик тарзда кредитларнинг берилиши;

кредит ташкилотлари талабаларига кўра тақсимланган ҳолда кредитларни қайтариш;

ҳисоб –рақамдаги кредитни тақсимлаш тарзида олиб бориш;

2 хил кўринишга эга бўлган эгилувчанлик;

Овердрафтни олишда қарз оловчи қуйидаги қулайликларга эгадир :

Пул тушумларининг чекланиши ва ўзишларнинг юзага келиши натижасида автоматик тартибда қарз маблағларини олиш;

касса улушлари ликвидлилигини олдини олишда молиявий ресурслардан фойдаланиш;

банкларга кўшимча тарзда хужжатларни топширмаслик ва банк томонидан кредитларни автоматик тартибда берилиши;

қисқа вақт ичида қабул қилинади ва битим тузишади (2-5кун давомида хужжатлар тақдим қилиганидан сўнг).

Мижоз ҳисоб-рақамикредитлашнинг афзаллиги пул тушумларни келиб тушишининг кечикиши натижасида корxonанинг бошқа турдаги келишувларини амалга оширишда банкнинг кўмаги муҳим асос бўлади. Бу каби ҳолатлар овердрафт осон ва самарали инструмент сифатида савдо ва ишлаб чиқариш жараёнида қатнашади.

Таҳлил шуни кўрсатадики, ўртача 80% овердрафт кредити йирик корxonалар томонидан 20% эса кичик ва ўрта корxonалар томонидан амалга оширилади.

## 12 - Жадвал

### Россия тижорат банклари томонидан турли мулкчилик шаклдаги корxonаларга овердрафтни тақдим қилиниши қуйида тақсимланган<sup>24</sup>

Банк	Тижорат банклари томонидан йирик корxonалага тақдим қилинган овердрафт кредитнинг салмоғи (% да)	Банк томонидан кичик ва ўрта корxonаларга овердрафтнинг тақдим этилиши салмоғи (% да)
1.	67%	33%
2.	90%	10%
3.	83%	17%

Жадвал маълумотида кўра 3 та банк томонидан берилган овердрафт кредитлари йирик қарздор корxonалар ўртасида 67-90% оралиғида, кичик ва ўрта қарздор корxonалар ўртасида эса 10-33% оралиғида эканлигини кўриш мумкин. Овердрафт кредити олувчи асосий мижозлар бўлиб нақд пул обороти асосида фаолият юритувчи савдо ва хизмат кўрсатувчи корxonалар ҳисобланади.

Банклардан букаби кредитларни олиш эвазига улар ўзининг банкларига келиб тушадиган савдо тушумлари, оборот маблағлари кўрайиши билан, банк

<sup>24</sup> [www.bankreferatov.ru](http://www.bankreferatov.ru) сайти маълумотлари

ссудалари орқали шартномага кўра импорт товарлари тўловларини тўлаш, маҳсулот турларини кўпайтириш, ҳамда асбоб ускуналарни таъмирлаш каби ларни амалга оширишлари мумкин .

Юқорида ақйд этилганидек бу каби кредитлар олувчи бўлиб, барча имжозлар эмас, балки банк томонидан мустаҳкам ва ишончли деб топилган мижозларгагина берилади. Буни куйидаги жадвалда кўриш мумкин.

### 13 - Жадвал

#### Россия тижорат банклари томонидан берилган овердрафт кредитларини мижозларнинг синфига мансублигига кўра тахсимланиши<sup>25</sup>

Банк	I синф кредитга лаёқатлилик кўрсаткичига эга бўлган корхоналар овердрафт кредитининг берилиши, (%)	I синфга мансуб булмаган кредитга лаёқатлилик кўрсаткичига эга корхоналарга овердрафт кредитининг берилиши, (%)
1.	100%	0%
2.	87%	13%
3.	92%	8%

Жадвал маълумотига кўра тахлил қилинган 3 банк томонидан I синфга мансуб кредитга лаёқатлилик кўрсаткичига эга корхоналарга берилган овердрафт кредити 87-100% оралиғида бўлиб, I синфга мансуб бўлмаган кредитга лаёқатлилик кўрсаткичига эга корхоналарга берилган овердрафт кредит 0-13% оралиғида эканини кўришимиз мумкин.

Банк томонидан овердрафт кредитларини бериш учун мижоз банкнинг бирқанча талабларини бажариши лозим.

Тижорат банклари қарз олувчининг ҳисоб рақамига доимий ва узликсиз равишда пул келиб тушушни бундан ташқари Россия тижорат банклари ой давомида қарз олувчи ҳисоб –рақамига еклиб тушадиган миқдорини: Масалан :банк томонидан кредитнинг максимал сўммаси 100 000 рубл қилиб белгиланиши.

<sup>25</sup> [www.bankreferatov.ru](http://www.bankreferatov.ru) сайти маълумотлари

Шу билан бирга мижоз очилган ҳисоб рақам билан кредит шартлари ҳам ўрнатилади. Масалан: мижознинг кундузги муддатини камайтириш, ссуда муддати узайтириш ёки ошириш кабилар.

Яна бир талаблардан бири сифатида банк томонидан мижознинг реализация қилинган маҳсулотлардан келиб тушган тушум овердрафт кредитини беришга асос бўлиши мумкин.

Амалиётда кўпгина қарздорларнинг молиявий кўрсаткичлари нормативлардан паст эканлигини, бу эса банклар томонидан кредитларнинг берилмаслиги ёки банк томонидан қарз олувчининг регумер тарзда пул тушумларининг йирик ҳажмда эканлиги кўриб чиқилади бу каби кредитни мижозларга беришда Россия тижорат банклари қуйидагича ўрнатилиши мумкин.

Шу кредит ташкилотларида ҳисоб-рақамини очилиши;

Доимий равишда пул оборотларини шаклланганлиги, сотишдан келган пул тушумларининг тизими асосида келиб тушиши,

Молиявий коэффицентларга асосланган ҳолда мижознинг кредитга лаёқатлилигини баҳолашни инобатга олади.

Овердрафт кредитини ошириш учун яна бир қанча талаблар ҳам мавжуд бўлиб, улар:

- асосий кўрсатаётган фаолият тури бўйича, кейинги даврда ҳам бозорда рақобатбардош эканлиги;
- иш фаолияти бўйича ҳамкорлари сони;
- банк олдидаги турли хилдаги мажбуриятларнинг йўқлиги;
- картотекада муддатида тўланмаган тўлов ҳужжатларининг йўқлиги;
- ҳисоб-рақамида операцияларни малга ошириш учун қонун доирасида солиқ ва бошқа назорат органлари томонидан чекловларнинг ўрнатилмаганлиги;
- картотекада бюджет ва бюджетдан ташқари фондлар олдидаги муддати ўтган қарзларнинг йўқлиги;

Хориж амалиётида кредитни бериш қуйидаги принциплар асосида ҳам аниқланади:

агар кредит таъминоти аниқ бўлмаса ёки шубҳа остида қаралса, кредитнинг мақсадли ишлатишга шубҳа туғулса кредит берилмаслиги;

кредит фақатгина ишончли ва тўловга қодир даъвогарларгагина берилиши;

кредит баҳосини рискин хисобга олинган ҳолда, ҳамда кўмакланилаётган баҳолаш тизими асосида аниқланиши;

реализация кредитини қайтаришининг биринчи олиши эмас балки 2 тоифаси сифатида қаралиши;

берилган кредит қарзга иш фаолиятида қўлланиши;

банк кредитини мақсадли ишлатишда кузатув олиб бора олиши;

ўрта ва узок муддатли кредит битими ҳамда структура ва таъминланган бўлиши ҳамда банк уни ҳоҳлаганда 3-томонга сота олиши;

янги турдаги маҳсулотларни ишлаб чиқариш ёки фаолиятини кенгайтиришда берилган кредит учун эҳтиёткорлик яораларини кўриш;

барча мижозлар бухгалтерия хисоби асосида корхона фаолияти назорати ва мониторинги олиб борувчи менеджер эга бўлиши;

мижоз томонидан омаднинг келишига кўра баҳолайдиган ҳолат учун кредитни беришмаслиги;

бир-хил фаолият билан шуғулланувчи мижозларга ва риск даражаси юқори бўлган йирик ҳажмдаги қарз беришдан қочиш лозимлиги;

маълум гуруҳга кирувчи қарз олувчилар фаолияти риск ва бозор риски, шу мижозлар мажбурияти билан қопланиши, ҳамда кредитга лаёқатли мижозларнинг мажбуриятлари ҳисобига қопланиши;

кредит хизматларини, агар барча рисклар лимит чегарасида бўлгандагина кўрсатилиши;

қарздор ўзининг фаолияти ва молиявий аҳоли ҳақида банкни хабардор қилиб туриши лозим.

### **3.2. Ўзбекистон тижорат банкларининг қисқа муддатли кредитлаш амалиётини такомиллаштириш йўллари**

Бозор иқтисодиёти шароитида тижорат банкларининг қисқа муддатли кредитлаш амалиётини такомиллаштириш хўжалик юритувчи субъектларнинг айланма маблағларни тўлдириш имкониятини ошириш, монетизация коэффицентининг даражасини оширишга хизмат қилади.

Тадқиқотнинг олдинги бобларида амалга оширилган таҳлил натижалари республикамиз тижорат банкларининг қисқа муддатли кредитлаш амалиётини такомиллаштириш борасида қатор муаммоларнинг мавжудлигини кўрсатди.

Ана шундай муаммолардан бири – республикамизнинг қатор тижорат банкларида кредитларнинг активлар ҳажмидаги салмоғини нобарқарорлиги ва нисбатан паст даражадалиги ҳисобланади.

Кредитларнинг банк активларининг умумий ҳажмидаги салмоғини 60 фоиздан кам бўлмаган даражаси таъминланган шароитдагина тижорат банки жами фоизли даромадларининг асосий қисмини кредитлардан олинган фоизлар ҳисобидан таъминлаш имкони юзага келади. Бу эса, тижорат банкининг молиявий барқарорлигини таъминлашнинг зарурий шартларидан бири ҳисобланади. Бунга эришиш учун тижорат банкларининг даромад келтирмайдиган активлари – мажбурий захира ажратмалари суммаси, “Ностро” вакиллик ҳисобварақларининг қолдиғи, асосий воситалар миқдорини камайтириш тақозо этилади.

Шу билан бир бирга, республикамизнинг қатор тижорат банкларида кредит портфелини диверсификациялаш талабига риоя этилмаётганлиги муаммоси мавжуддир. Таҳлил натижалари шуни кўрсатдики, республикамизнинг йирик тижорат банкларидан бири ОАТБ “Микрокредитбанк”да кредит портфелини диверсификациялаш талабига риоя этилмаган. Кредитларнинг асосий қисмини ўзаро боғлиқ тармоқларга мансуб бўлган корхоналарда тўпланишига йўл қўйилган. Ўзсаноатқурилишбанкда ҳам шундай ҳолатни кузатиш мумкин. Банк кредит

қўйилмаларининг 60 фоизга яқин қисми саноат корхоналарида тўпланган. Бу эса, кредит rischi муаммосининг чуқурлашишига олиб келади. Бунинг боиси шундаки, банк кредитларининг асосий қисми жойлаштирилган тармоқда фойда нормасининг пасайиши муддати ўтган кредитлар ҳажмининг кескин ўсишига олиб келади.

Тижорат банкларининг кредит сиёсатида кредитлар иқтисодиёт тармоқлари бўйича, ҳудудлар бўйича ва муддати бўйича чегараланмаган.

Халқаро банк амалиётида эса, банк кредитларининг 25 фоиздан ортиқ қисмини битта тармоқда тўпланиши кредит riskини кескин оширган омил сифатида эътироф этилади. Шу сабабли, республикада банкларининг 25 фоиздан ортиқ қисмини битта тармоққа мансуб бўлган корхоналарда тўпланишига йўл қўймаслик мақсадга мувофиқдир.

Фикримизча, кредит портфелининг диверсификация даражасини тавсифловчи асосий мезон сифатида кредитларнинг тармоқ хусусиятига кўра жойлашишининг 25 фоизлик максимал даражасини қўллаш ва кредит лимитларини ўрнатиш лозим.

Шу сабабли кредит сиёсатида қуйидагиларни ҳисобга олиш зарурдир:

– кредит бериш жараёнида хориж тажрибасидан келиб чиққан ҳолда тармоқ лимитларини ўрнатиш керак;

– кредит турларини кўраётганда қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари яъни пахта ва ғалла учун бериладиган кредитни кўрсатиш лозим. Чунки булар кредит қўйилмалари ҳажмида салмоқли ўринни эгаллайди.

Кредитлаш жараёнларида тижорат банки кредит қўмиталарининг, айрим ҳолларда, ўз ваколати ва вазифасига совуққонлик ва маъсулиятсизлик билан қараш ҳоллари юз бермоқда. Бу омил тижорат банкларининг кредит бериш механизмининг асосий боғловчи ва муҳим элементидир. Бошқачароқ қилиб айтганда, айнан кредит қўмитаси кредит бериш жараёнида ҳал қилувчи ролни бажаради. Ўзбекистон Республикаси пул-кредит комиссиясининг 1995 йил 10 июлдаги 1210-76-сонли мажлис баённомасига асосан, республика Марказий банки томонидан тайёрланган “Кредит қўмитаси тўғрисида”ги

низом талабларини ҳозирда тижорат банклари кредит қўмиталари томонидан амалда фақатгина расмиятчилик юзасидангина бажариш ҳоллари ҳамон учраб турмоқда.

Мазкур Низом талабига кўра, кредит қўмиталари унга кредит нозири томонидан тақдим этилган кредит йиғма жилдидаги ҳужжатларни тўла таҳлил этгачгина қарор қабул қилишлари, қарор қабул қилганда ҳам юз фоиз овоз берилгандагина кредит бериш учун қарор қабул қилиниши белгилаб қўйилган. Афсуски, айрим тижорат банкларида кредит қўмитаси мажлислари ўтказилмай, расмиятчилик учун тузилган баённомаларга имзо қўйиш ҳоллари ҳамда қўмита аъзолари юз фоиз овоз бермаган ҳолларда ҳам кредит бериш юзасидан қарорлар қабул қилиш ҳоллари ҳамон учрамоқда. Айнан шундай ҳолатлар ҳам муаммоли кредитлар миқдорини янада ошишига олиб келмоқда. Юқорида таъкидлаб ўтганимиздек, охириги йилларда республика тижорат банклари кредит қўйилмалари таркибида муддати ўтган кредитлар салмоғи ошиб бормоқда. Масалан, 2010 йилда муддат ўтган кредитларнинг брутто кредитлардаги салмоғи 17,0 фоизни ташкил этган. Бу жуда юқори кўрсаткич ҳисобланиб, банк тизими ривожига салбий таъсир кўрсатади.

Кредитлаш амалиётига тижорат банклари ходимларининг кредит олувчи хўжалик субъектлари молиявий ҳисоботини тўғри ва ҳаққоний таҳлил этиш учун малака ва тажрибасининг етишмаслиги ҳам таъсир кўрсатади. Бу шубҳасиз, муаммоли кредитларни ва кредит маблағларини ўз вақтида унмаслик ҳолатини вужудга келтирувчи бош омиллардан биридир. Чунки хўжалик субъектлари билан амалий ишлаш тажрибасига эга бўлмаган банк ходими томонидан тайёрланган кредит йиғма жилди доимо қўшимча назоратни талаб этади. Лекин банкларда хизмат турларининг кўплиги ва энг асосийси, хўжалик субъектлари билан ишлашда амалий тажрибаси бўлмаган ходимларга мураббийлик қилувчи устоз ходимларнинг етишмаслиги натижасида малака ва тажрибасиз ходимлар хулосаси асосида молиявий аҳволи ночор бўлган корхоналарга кредит бериш ҳолатлари юзага келмоқда. Чунки, хўжалик субъектлари билан ишлашда малака ва тажрибаси бўлмаган

ходимлар кредит олувчининг ҳисоботларини таҳлил этишда кўпроқ компьютерга жойлаштирилган дастурлардан фойдаланадилар. Бу эса, уларнинг ўз малакаларини оширишдан манфаатдорлигига путур етказди.

Мижозлар томонидан кўпинча ўзларининг кредит тўловига лаёқатлилиқ даражасини юқори қилиб кўрсатиш мақсадида ҳисоботлардаги кўрсаткичларни асоссиз ўзгартириб тақдим этиш ҳоллари ҳам учрамоқда. Компютер банк ходимлари ишини анча енгиллаштирди. Лекин компютер инсон меҳнатининг маҳсули эканлигини унутмаслигимиз керак. Чунки компютердаги дастурлардан онгли равишда фойдаланилган тақдирдагина иш унумли бўлади.

Банк ходимлари корхонанинг баланс ҳисоботлари тўғри тузилганлигини аниқлаганларидан сўнггина компютер дастуридан фойдаланишлари зарур. Лекин банк ходимлари баланс ҳисоботларидаги кўрсаткичларнинг ҳаққонийлигини, актив ва пасив қисмдаги қийматларнинг ўзаро боғланиш асосларини текширмай туриб, компютер дастурлари орқали корхонанинг тўлов қобилиятини, кредит тўловига лаёқатлилигини аниқлайдилар. Натижада, корхона томонидан кўрсаткичлари ҳаққоний бўлмаган ҳисоботларнинг тақдим этилиши мижозларни кредит тўловига лаёқатлилиқнинг асоссиз равишда биринчи ёки иккинчи синф тоифасига киритилишига олиб келмоқда. Банк ходими эса, компютер дастурида аниқланган натижалар асосида кредит қўмитасига ижобий хулоса беради. Кредит қўмитаси ҳам банк кредит нозирининг мазкур хулосасига таянган ҳолда кредит бериш юзасидан ижобий қарор қабул қилади. Натижада, банк кредити аслида молиявий аҳволи қониқарсиз ёки ночор бўлган хўжалик субъектига «ишонч» асосида ёки ноликвид таъминот асосида берилади. Демак, берилаётган кредит мижозга расмийлаштирилаётган давридаёқ муаммоли кредит мазмунига эга бўлади.

Кредитлаш амалиётини ривожланишига таъсир қилувчи яна бир сабаб, тижорат банклари кредит бўлинмалари ходимлари ўртасида хизмат вазифалари тақсимотини тўғри ташкил этилмаганлигидир. Банк

муассасалари банклараро рақобатда нафақат ўз ўрнини сақлаб қолиш, балки етакчи банклар қаторидан жой олиш мақсадида, шунингдек, мижозларга деярли кун бўйи уларга хизмат қилиш тартибини жорий этмоқдалар. Натижада, кун бўйи мижоз топшириғи билан банд бўлган кредит бўлинмаси ходимларини мижозларнинг хўжалик – молиявий фаолиятини таҳлил этиш билан шуғулланишга вақт ажратиши қийин кечмоқда. Бу эса, банк учун мижознинг хўжалик – молиявий фаолиятида юз бераётган иқтисодий жараёнлар ҳақида тасаввурга эга бўлмаслик ҳолатини келтириб чиқармоқда. Банкнинг мижозни хўжалик – молиявий фаолиятида юз бераётган иқтисодий жараёнлар ҳақида тасаввурга эга бўлмай туриб, банк кредити ҳисобига ишлаб чиқарган ёки ишлаб чиқармоқчи бўлган маҳсулотига талаб даражасини ўрганиб чиқмасдан, маҳсулотни ишлаб чиқариш қувватини таҳлил этмай туриб кредит бериши, албатта, муаммоли кредитлар вужудга келишининг асосий сабабларидан бири ҳисобланади.

Тадқиқотнинг олдинги бобларида амалга оширилган таҳлил натижалари шуни кўрсатдики, республикамизнинг тижорат банкларида мижозларнинг кредит тўловига лаёқатлилигини баҳолашда асосан 5-6 молиявий кўрсаткичдан фойдаланилмоқда. Фикримизча, бу етарли эмас ва мазкур кўрсаткичлар мижозларнинг кредит тўловига лаёқатлилигини баҳолаш тўғрисида тўлиқ хулосаларни шакллантириш имконини бермайди.

Юқоридагиларни ҳисобга олиб, республикамиз тижорат банкларининг фаолиятида, мижозларнинг кредит тўловига лаёқатлилигини баҳолашда, биз таклиф этаётган молиявий кўрсаткичлар тизимидан тўлиқ фойдаланиш мақсадга мувофиқдир. Ана шундагина корхоналарнинг кредит тўловига лаёқатлилиги хусусидаги тўғри ва тўлиқ хулосаларни шакллантириш мумкин бўлади. Бундан ташқари, мазкур кўрсаткичлар ҳар қандай тармоққа мансуб бўлган корхоналарнинг фаолиятига хос бўлган хусусиятларни, уларнинг кредит тўловига лаёқатлилигини баҳолашда, ҳисобга олиш имконини беради. Масалан, савдо ташкилотларининг кредит тўловига лаёқатлилигини баҳолашда мухторлик кўрсаткичини қўллаш мақсадга мувофиқ эмас. Чунки

савдо корхоналарининг кўпчилигида капиталнинг пассивлар ҳажмидаги салмоғи жуда кичик. Лекин бу ҳолат мазкур савдо корхоналарини тўловга лаёқатсиз эканлигини билдирмайди, балки савдо корхоналари фаолиятининг ўзига хос хусусиятларидан бири ҳисобланади. Шу сабабли, савдо ташкилотларининг кредит тўловига лаёқатлилигини баҳолашда айланиш кўрсаткичларидан фойдаланиш яхши самара беради. Бунда, асосан, дебитор қарздорликнинг айланиш кўрсаткичи ва товар захираларининг айланиш кўрсаткичидан фойдаланилади.

Бундан ташқари, ривожланган хорижий давлатларнинг банк амалиётида мижозларнинг кредит тўловига лаёқатлилигини баҳолашда уларнинг пул оқимини баҳолаш усулидан кенг кўламда фойдаланилади. Бунинг сабаби шундаки, мазкур мамлакатларда молия бозорлари яхши ривожланган, барқарор иқтисодий ўсиш ва макроиқтисодий барқарорлик таъминланган. Бундай шароитда молиявий жиҳатдан барқарор бўлган корхоналарда пул оқими ҳам барқарор бўлади. Кредит эса, пул оқими ҳисобидан қайтарилди. Шунинг учун ҳам, мазкур мамлакатларнинг банк амалиётида гаров таъминоти асосида кредитлаш амалиёти ривожланмаган.

Кўпчилик ривожланаётган мамлакатларда молия бозорлари ривожланмаган, макроиқтисодий барқарорликка эришилмаган. Бу омиллар, пировард натижада, корхоналар пул оқимининг заифлиги ва нобарқарорлигига олиб келади. Бундай шароитда молиявий коэффициентлар асосида корхоналарнинг кредит тўловига лаёқатлилигини баҳолаш мақсадга мувофиқ ҳисобланади.

Банк амалиётимизда ҳам мижознинг молиявий ҳолатини таҳлил қилишда пул оқимини албатта таҳлил қилиш керак. Бу эса, мижозни кредит тўловига лаёқатлилигини ўрганишда тўлиқроқ баҳо бериш имконини беради.

Хўжалик субъектларини кредитлаш жараёнини ташкил этишда мижознинг бизнес режасини тўғри тузилиши ва унинг таҳлили ҳам муҳим аҳамиятга эгадир. Ҳозирги вақтда мижозлар томонидан тақдим этилаётган

бизнес режаларни банклар томонидан етарли даражада таҳлил этилмаётганлиги ҳамда кредит шартномаларини тузишда маълум камчиликларга йўл қўйиш ҳоллари юз бермоқда. Банклар учун кредитни расмийлаштириш жараёнида ҳам, кредит маблағидан фойдаланиш жараёнида ҳам асосий эътиборни қарздор томонидан тузилган бизнес режани таҳлил қилиш ва таҳлилни давом эттиришга қаратишлари зарур. Лекин бизнес режаларга кредитор томонидан ҳам, қарз олувчи томонидан ҳам кредит амалиёти учун талаб этиладиган расмий бир ҳужжатдек ёндошилади. Ҳолбуки, айнан бизнес режа мижознинг кредит маблағларидан фойдаланиш стратегиясини белгилаб берувчи муҳим бир ҳужжатдир. Лекин банкларда бизнес режалар кредитни расмийлаштириш давридагина ўрганиб чиқилади. Ўрганилганда ҳам бизнес режадаги охириги натижанинг ижобий эканлиги, яъни мазкур фаолият натижасида олинadиган фойда қисмигина банкларни қизиқтиради. Ваҳоланки, кредит олишни мақсад қилиб олган мижоз албатта фаолият натижасида олинadиган фойда миқдорини шундай даражага етказиб ҳисоблайдики, натижада, банк учун қарздор томонидан кредитни қайтариш хавфи йўқдай туюлади. Шунинг учун ҳам бизнес режалар мижозлар томонидан деярли бир бирига ўхшаш ҳолатда тузилмоқда.

Муаммоли кредитлар тарихи таҳлил этилганда, аксарият ҳолларда бизнес режаларнинг расмиятчилик учунгина тузилганлигининг гувоҳи бўламиз. Ҳолбуки, банклар томонидан мижознинг кредит маблағидан фойдаланиш жараёнини ўз ичига олган бизнес режаси асосида хўжалик фаолиятини доимо таҳлил этиб борилиши кредитларни ўз вақтида ва тўлиқ қайтаришнинг гаровидир. Расмиятчилик учун тузилаётган бизнес режаларни таҳлил этиш жараёнида уларнинг қай даражада иқтисодий саводсизлик оқибатида тузилганлигининг гувоҳи бўламиз. Масалан, баъзи бизнес режаларда кредит маблағига аҳоли учун зарур бўлган газлама маҳсулотини сотиб олишлари ва аҳоли эҳтиёжлари учун савдо қилишлари ҳақидаги ҳисоб-китобларни келтириб ўтадилар. Ҳисоб-китобларга кўра, кредит маблағининг айланма маблағ сифатида айланиш даражаси, масалан, кредит 12 ойга

берилган бўлса, айланиш 60 кун, яъни, бир йилда олти мартаба айланишини асослаб берадилар. Ҳолбуки, бозор иқтисодиётида талаб ва таклифнинг мутасил ўзгариб туриши ҳеч кимга сир эмас. Масалан, бозорда бугун шойи матога талаб бўлса, бир ойдан сўнг умуман пахтадан бўлган газлама маҳсулотларига талаб бўлиши мумкин. Савдода айнан бир турдаги маҳсулотларга йил давомида бир хилда талаб бўлиши ва унинг савдосидан бир хил меъёردа даромад олиниши мумкин эмас. Шунингдек, ишлаб чиқариш жараёнига доир бизнес режаларда ҳам ҳеч бир иқтисодий асосларсиз ҳисоб-китоблар келтирилади. Масалан, кредит маблағларидан фойдаланиш муддати уч йил белгиланган бўлса, бир турдаги маҳсулотни ишлаб чиқариш харажатлари таркибини бир йил учун ҳисоблаб, кейин уни уч йилга кўпайтириб асослайдилар. Ваҳоланки, харажатлар таркиби йилдан-йилга ўзгариб бориши, айнан бир турдаги маҳсулотга бўлган талабни ўзгариб бориши ҳеч кимга сир эмас. Худди шундай бизнес режага асосан кредит олган мижознинг кредитни қайтара олмай қолиш ҳолатлари ҳамон учрамоқда.

Банкнинг корхоналар билан шерикчилик тартибини ўрнатиш ва улар ўртасида шартнома муносабатларини такомиллаштириш ҳам ўзининг ижобий натижасини беради, деган умиддамиз.

Банк-мижоз кредит муносабатларни тартибга солувчи шартномаларнинг ҳуқуқий ва иқтисодий жиҳатдан етарли даражада асосланмаганлиги кредит портфелини бошқариш самарадорлигини ошириш борасидаги асосий муаммолардан бири ҳисобланади.

Банк ва мижоз ўртасида тузилаётган кредит шартномаларини ҳуқуқий ва иқтисодий жиҳатдан тўғри расмиллаштирилмаслиги ва мижозларнинг ўз ҳуқуқларини яхши билмасликлари натижасида томонлардан бирининг, масалан, кичик бизнес, деҳқон-фермер ва хусусий тадбиркорлар ҳуқуқи поймол этилган ҳолатлар акс этган шартномалар ҳам учрамоқда.

Банк-мижоз кредит муносабатларини тартибга солувчи меъёрий ҳужжатлар ва кредитлаш қоидаларида тижорат банклари томонидан

кредитдан фойдаланишнинг бутун муддати давомида доимий мониторингни амалга ошириб борилиши, яъни қарздорнинг молиявий хўжалик фаолияти унинг тузилган шартномалар (бюртмалар)га мувофиқ, маҳсулот етказиб бериш мажбуриятларини бажариши, ишлаб чиқариш ҳажмлари, ноишлаб чиқариш харажатлари ва йўқотишлар, муомала чиқимлари, фойда, ўз айланма маблағларининг мавжудлик динамикаси, товар-моддий захираларининг аҳволи, айланма маблағларнинг айланиши бизнес режа кўрсаткичлари билан таққосланган ҳолда таҳлил этиб борилиши белгиланган бўлсада, банклар томонидан бу талаблар деярли бажарилмай, муаммоли кредитлар юзага келиш хавфининг олдини олиш имкониятига салбий таъсир этмоқда.

Ҳозирги вақтда гаров муносабатлари ҳам кредитлаш жараёнидаги асосий муаммолардан бири сифатида ўз ечимини кутмоқда. Гаров муносабатлари Ўзбекистон Республикасининг “Гаров тўғрисида”ги қонуни ва Фуқаролик кодекси нормалари (264-289 модда) билан тартибга солинади.

Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик Кодекси 271 моддасига мувофиқ гаров шартномаси давлат рўйхатидан ўтказилиши шарт, чунки бусиз у ҳақиқий ҳисобланмайди<sup>26</sup>.

Гаров шартномаси Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик Кодексининг 267-271 моддаларига мувофиқ, қуйидаги шартларга эга:

- гаров предмети ва унинг молиявий баҳоси;
- кредит шартномасида белгиланган мажбуриятнинг муддати;
- ҳажми;
- мазмуни;
- гаровнинг жойлашиш манзили ва бошқалар.

Гаров объекти бўлиб, ҳар қандай мулк бўлиши мумкин: бино ва иншоотлар, қимматли қоғозлар (акция, облигация) ва бошқ.

Ссуда таъминоти текширувини амалга оширганда, биринчи навбатда, гаров суммасига қўйилган талабларини қай даражада бажарилганлигини

---

<sup>26</sup> Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик кодекси. – Тошкент, -2003. -Б. 104;106.

кўриб чиқиш лозим. Буни қуйидагича амалга ошириш мумкин: кредитнинг асосий қарз суммаси ва фоизлари қўшилган ҳолда, гаровнинг сотилишида мумкин бўлган харажатлар суммаси ҳисобга олинган ҳолда, аммо бунда кредит суммасининг 125% фоизидан кам бўлмаслиги керак. Бундан ташқари, гаровнинг сотиш муддати ҳам текширувдан ўтказилади: гаров талаб қилинган кундан бошлаб 150 кун ичида сотилиши керак.

Берилган кредитларнинг иккинчи мезони бўйича таснифлашнинг тўғрилиги текширилаётганда нафақат муддати ўтган кредит суммаси, балки у бўйича ҳисобланган фоизлар ҳам ҳисобга олинади.

Қайтарилиш муддати ўтган қарзлар – қайтарилиш муддати бўйича (асосий қарз ва фоизлар бўйича) рискни ҳисобга олган ҳолда бир неча гуруҳга бўлинади:

- биринчи гуруҳ rischi – беш кунгача (таъминланган ссудалар бўйича);
- иккинчи гуруҳ rischi – олти кундан ўттиз кунгача;
- учинчи гуруҳ rischi – ўттиз бир кундан бир юз саксон кунгача;
- тўртинчи гуруҳ rischi – бир юз саксон кундан ортиқ.

Қарз олувчининг хўжалик – молиявий аҳволи ёмонлашганда ва шартномада кўрсатилган шартларга риоя қилиш имконияти бўлмаган ҳолларда “Банк ва банклар фаолияти” тўғрисидаги қонунга мувофиқ, банк бундан буён кредит беришни тўхтатишга ҳамда олдин берилган кредитларни муддатидан олдин қайтариб олишга ҳақлидир. Кредит, таъминот сифатида қабул қилинган ва кредит шартномасида кўзда тутилган мажбуриятлар орқали, қарз олувчининг ўз маблағлари ҳисобидан қайтарилади. Агар гаров тўғрисидаги шартномада кўзда тутилган бўлса, банк гаровга қўйилган мулкни мустақил равишда сотиши мумкин. Гаров предмети аукционда (оммавий савдода) ёки воситачи корхоналар орқали сотилади. Агар қарз олувчи тўлов муддати етиб келадиган кундан бошлаб 90 кун ичида кредит шартномасига мувофиқ, қарзни тўлаш бўйича мажбуриятларни бажариши лозим. Акс ҳолда банк “Банкротлик тўғрисидаги” Ўзбекистон

Республикасининг қонунига мувофиқ тўловга лаёқатсизлик (банкротлик) тўғрисида иш кўзғаш учун хўжалик судига мурожаат қилиши керак.

Ҳозирги даврда кредит маблағлари таъминотига қўйиладиган талабларнинг ҳуқуқий ва иқтисодий моҳияти етарли даражада таҳлил этилмасдан тегишли ҳужжатларни юзаки расмийлаштириш ҳоллари юз бермоқда. Банк кредитлари учун ликвидлик даражасининг пастлиги гаров объектларининг этишмаслиги масаласи билан боғлиқдир.

Амалдаги қонун ва меъёрий ҳужжатларнинг талаблари асосида тижорат банклари томонидан ишлаб чиқилган кредит бериш тартиблари, гарчи кредит беришнинг асосий тамойилларига асосланган бўлсада, кредит бериш тартибларида таъминланганлик тамойилига риоя этишнинг иқтисодий ва ҳуқуқий таҳлил этиш тартиби мавжуд эмас. Айнан шундай тартибларнинг кредит бериш қоидаларида белгиланмаганлиги, банкларнинг ноликвид таъминот ёки мажбурият ижросини таъминлай олмайдиган таъминот усулларида фойдаланишларига олиб келмоқда.

Мажбурият ижроси таъминотларига белгиланган амалдаги қонун талабларининг амалиётда юзага келаётган муаммолар ечимини топиш учун етарли эмаслиги кузатилмоқда.

Мажбурият ижросининг етарли даражада бажарилишини таъминлаш учун белгиланган амалдаги қонун талаблари қай даражада мукамал тузилган бўлмасин, юзага келаётган муаммолар ечимини ижобий ҳал этишда мураккаб вазиятлар, асосан, учинчи шахсларнинг жавобгарлиги асосида мажбурият ижросини таъминлашнинг кафиллик, гаров усулларида фойдаланиш жараёнида юзага келмоқда. Масалан, мажбурият ижроси таъминоти сифатида учинчи шахс кафиллиги олинганда барча амалдаги қонунчиликда (Фуқаролик Кодексининг 293-моддаси) кафил кредитор олдида қарздор билан баравар ҳажмда жавоб бериши, шу жумладан, фоизлар тўпланиши, қарздорнинг мажбуриятини бажармаганлиги ёки лозим даражада бажармаганлиги туфайли кредитор кўрган бошқа зарарларни тўлаш зарурлиги белгиланганлигига қарамай, мажбурият ижросининг

бажарилмаслик ҳолатлари аксарият, айнан учинчи шахслар кафиллик таъминотига тўғри келмоқда. Яъни, мажбурият ижроси талаб этилган даврда кафил шахс тўлов қобилиятининг йўқлиги туфайли юзага келаётган муаммолар натижасида мажбуриятларнинг ижро этилмай қолиш хавфининг юзага келишидир.

Мижозларнинг аксарият қисмида юқори ликвидли гаров объектларининг етишмаслик муаммоси муддати ўтган кредитларнинг салмоғини ошишига сабаб бўлмоқда.

Кредитнинг таъминланганлиги деганда, бериладиган кредитнинг қайтарилиши аниқ моддий қимматликлар, пул ҳужжатлари ёки пул маблағларини олишга бўлган ҳуқуқ билан кафолатланган бўлиши тушунилади. Кредитни таъминланганлиги аниқ гаров объектини тегишли тартибда расмийлаштириш йўли билан амалга оширилади. Лекин айрим ҳолларда, масалан, йирик миқдорда кредитланаётганда гаров сифатида аниқ шаклга эга бўлган объект эмас, балки умумий активлар олинishi мумкин.

Шуниси характерлики, гаров объектлари ликвидлилик даражасига кўра бир-биридан тубдан фарқ қилади.

Халқаро банк амалиётида биринчи тоифали гаров объектлари ҳисобланаган объектларни республикамиз банклари амалиётида етишмаслик ҳоллари мавжуд. Халқаро банк амалиётида юқори ликвидлилик даражасига эга бўлган объектлар биринчи тоифали гаров объектлари, деб аталади ва уларга қуйидагилар киритилади:

- ер;
- ҳукуматнинг қимматли қоғозлари;
- Марказий банкда қайта ҳисобга олинадиган тратталар;
- корпорация (корхона)ларнинг ҳукумат томонидан кафолатланган қимматли қоғозлари.

Ер гаров объекти сифатида амалиётда жуда қадрланади. Одатда ернинг баҳоси доимий равишда ўсиб боради ва у барқарор ҳисобланади. Айниқса, ривожланаётган давлатларда ернинг баҳоси сезиларли даражада юқори

суръатлар билан ўсади, шунинг учун ҳам ерни гаровга олиш асосида кредитлаш молиялаштиришнинг нисбатан хавфсиз шакли ҳисобланади. Бунда банклар кредит қайтмаганда гаровга олинган ерни сотиш йўли билан кредит ва унинг фоизини ундириб олишларига қаттиқ ишонадилар. Лекин шуни алоҳида таъкидлаш лозимки, ердан гаров сифатида фойдаланиш учун ҳуқуқий асослар етарли бўлиши лозим. Ўзбекистонда ер фондининг мутлак асосий қисмига нисбатан хусусий мулкчилик ҳуқуқи мавжуд эмас. Қишлоқ хўжалигида деҳқон ва фермер хўжаликларига ерлар узоқ муддатли ижарага берилган, фақатгина ижара ҳуқуқидан банк кредитлари учун гаров сифатида фойдаланиш мумкин. Ҳукуматнинг қимматли қоғозлари дунёнинг деярли барча мамлакатларида юқори ликвидли гаров объекти сифатида тижорат банклари томонидан тан олинади. Бразилия, Аргентина ва Россия давлатларида ҳукуматнинг қимматли қоғозларига нисбатан сезиларли даражада ишончсизлик кайфияти мавжуд. Бу кайфият ушбу мамлакатлар ҳукуматларининг дефолт ҳолатларига йўл қўйганлиги билан изоҳланади. Лекин бундай давлатлар кўпчиликини ташкил этмайди.

Ҳукуматнинг қисқа ва узоқ муддатли қимматли қоғозлари мавжуд бўлиб, улардан кредитлар олишда гаров сифатида фаол тарзда фойдаланилади. Лекин Ўзбекистон Республикасида ушбу объектлардан гаров сифатида фаол тарзда фойдаланиш учун реал шарт-шароит мавжуд эмас. Яъни, биринчидан, Ўзбекистон ҳукуматининг фақат кичик миқдорда эмиссия қилинган қисқа муддатли облигациялари ва ўрта муддатли хазина мажбуриятлари мавжуд. Бу эса, улардан гаров сифатида фойдаланиш имкониятини чегаралаб қўяди. Иккинчидан, ҳукумат қимматли қоғозларининг эмиссия қилинган миқдори нисбатан кичик. Учинчидан, Ўзбекистонда қимматли қоғозлар бирламчи ва иккиламчи бозорлари ривожланмаган.

Марказий банкда қайта ҳисобга олинadиган тратталар, шубҳасиз, юқори ликвидлилик хусусиятига эгадир. Чунки тижорат банки Марказий банкдан ўзига ажратилган қайта ҳисобга олиш контингенти доирасида исталган

вақтда тратталарни топшириб, пул маблағлари олиши мумкин. Марказий банк эса, одатда, тўловга қобил субъект ҳисобланади. Афсуски, Ўзбекистон Республикаси банк амалиётида тратталарни Марказий банкда қайта ҳисобга олиш амалиёти мавжуд эмас.

Айни вақтда, тижорат банклари томонидан чиқарилган қимматли қоғозлардан ҳам гаров объекти сифатида деярлик фойдаланилмаяпти.

Маълумки, гаров таъминоти кредит муносабатларининг муҳим элементи бўлиб, кредитларни қоплашнинг асосий манбаларидан бири бўлиб ҳисобланади.

Республикамизда ҳам ҳозирги кунда халқаро банк амалиётидан келиб чиқиб, кредит – гаров муносабатларини такомиллаштириш борасида анчагина ишлар амалга оширилмоқда.

Хусусан, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2002 йил 30 мартдаги ПФ-3047-сонли “Пул массаси ўсишини чеклаш ва молия интизомига риоя этиш маъсулиятини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Фармони мамлакатимизда кредит-гаров муносабатларини такомиллаштириш йўлида қўйилган муҳим қадам бўлди десак хато бўлмайди. Ушбу Фармоннинг 5-бандига мувофиқ, хўжалик юритувчи субъектларнинг пул маблағлари етишмаслиги оқибатида, кредитлар бўйича қарзлар ўз вақтида қайтарилмаган тақдирда, тижорат банкларига мижозларнинг розилигига кўра қарзларни уларнинг ликвидли мол-мулкига қаратиш йўли билан ундириш ҳуқуқи берилди.

Мазкур Фармон ижросини таъминлаш мақсадида, Марказий банк, Молия вазирлиги, Давлат мулки қўмитаси, Адлия вазирлиги ва Олий хўжалик судлари ўзaro ҳамкорликда “Банкларнинг кредитлари бўйича қарздорлик ўз вақтида қайтарилмаган тақдирда ундирувчини қарздорларнинг ликвидли мол-мулкига қаратиш тартиби” ишлаб чиқилди ва амалиётга тадбиқ этилди. (2002 йилнинг 4 декабрида Вазирлар Маҳкамасининг 422-сонли қарори билан тасдиқланган).

Ушбу тартибда қарздор кредит бўйича ўз мажбуриятини ўз вақтида бажармаган тақдирда ҳамда гаровга қўйилган мол-мулк қиймати кредитор банкнинг талабини қоплаш учун етарли бўлмаганда, ундирувни қарздорнинг гаровдан бўш бўлган бошқа ликвидли мол-мулкига қаратиш тартиби аниқ ва равшан белгилаб берилган. Бунда ликвидли мол-мулк сифатида қарздорнинг тез сотиладиган мол-мулки, шу жумладан, ижтимоий инфратузулма объектлари, транспорт воситалари, компьютер ва бошқа асбоб-ускуналар эътироф этилади.

Шунга алоҳида эътибор қаратиш лозимки, кредитор банк ўз вақтида қайтарилмаган кредит бўйича қарзни қарздорнинг ликвидли мол-мулк ҳисобидан ундриниш бўйича мўлжали тўғрисида қарздорга олдиндан ёзма равишда хабар бериши лозим. Бунда қарздор билдиришномани олгандан сўнг 15 кун ичида кредитор банкка ёзма жавоб бериши шарт.

Агар қарздор рози бўлмаса, кредитор банк кредит бўйича қарзни қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда тўлатиш мақсадида даъво билан хўжалик судига муқолат қилиши лозим. Шунингдек, мазкур тартибда қарздорнинг ликвидли мол-мулкининг очиқ савдосини ташкил этиш, савдодан тушган маблағларни тақсимлаш каби бошқа масалалар ҳам ушбу тартибда аниқ кўрсатиб берилган.

Ҳозирги кунда қайтариш муддати ўтган кредитларни ундириш муаммоси, ва мижоз ўртасида тузиладиган кредит шартномасини такомиллаштириш муаммоси ўзининг тўлиқ ечимини топгани йўқ.

Шартномавий муносабатлар бирламчи ҳуқуқий муносабатлар ҳисобланади. Шу сабабли, кредитлар бўйича тўловларни ўз вақтида амалга оширилишига эришиш ва тўлов интизомини мустаҳкамлаш мақсадида, банклар ва мижозлар ўртасида тузиладиган кредит ва гаров шартномаларида мижозлар томонидан кредитлар ўз муддатларида қайтарилмаган тақдирда, банкларга кредитлар эвазига гаровга олинган мол-мулкларни тўғридан-тўғри, яъни судларнинг аралашувисиз тасарруф этишларининг белгилаб қўйилиши мақсадга мувофиқ ҳисобланади.

Кредит ва гаров шартномаларининг юқоридаги тамойиллар асосида тузилиши банклар ва уларнинг мижозлари ўртасида мажбуриятлар ва ҳуқуқларни ўзаро тенг тақсимланишига ҳамда ижрочилик маъсулияти ошишига хизмат қилади.

Хулоса сифатида айтиш жоизки:

биринчидан, қисқа муддатли кредитлаш амалиётини такомиллаштириш борасида ўз ечимини топмаган долзарб муаммолар мавжуд;

иккинчидан, ишлаб чиқилган илмий таклиф ва амалий тавсиялар эътироф этилган муаммоларни ҳал қилиш имконини беради;

учинчидан, банкларнинг қисқа муддатли кредитлаш амалиётининг такомиллашиши уларнинг даромад базасининг мустаҳкамланишига, мижозларнинг тижорат банклари кредитларидан фойдаланиш имкониятини оширишга олиб келади.

## ХУЛОСА

Илмий тадқиқот жараёнида кредитлаш амалиётини такомиллаштиришга қаратилган қуйидаги илмий **хулосалар** шакллантирилди:

1. Кредитлаш тижорат банклари фаолиятининг бирламчи аҳамиятга эга йўналиши бўлганлиги сабабли, кредит амалиётларининг самарадорлиги тижорат банки молиявий барқарорлигини таъминлашнинг зарурий шарти ҳисобланади. Банклар кредит амалиётларининг самарадорлиги эса, уларнинг кредитлаш амалиётини такомиллаштириш орқали таъминланади.

2. Тадқиқот жараёнида халқаро банк амалиётида кредит рискинни бошқаришга нисбатан белгиланган талаблар янада кучайтирилаётганлигини ҳисобга олиб, республикамизда қуйидагиларни амалга ошириш мақсадга мувофиқдир:

– муддати ўтган кредитларга нисбатан белгиланадиган кредит рисқи даражасининг оширилиши, яъни халқаро Базель кўмитасининг янги талаблари бўйича агар кредитнинг муддати тугаганига 90 кундан ортиқ вақт ўтган бўлса ва кредит рискига қарши яратилган захираларнинг миқдори кредит бўйича қарздорлик суммасининг 20 фоизидан кам бўлса, бундай кредитларнинг риск даражаси 150 фоиз қилиб белгиланиши;

– агар кредитнинг қайтарилиш муддати тугаганига 90 кундан ортиқ вақт ўтган бўлса ва кредит рискига қарши яратилган захираларнинг миқдори кредит бўйича қарздорлик суммасининг 20 фоизидан ортиқ бўлса, у ҳолда бундай кредитларнинг риск даражаси 100 фоиз қилиб белгиланиши;

– тижорат банклари томонидан бериладиган халқаро кредитларнинг риск даражаси кредит олувчиларнинг кредит рейтингига боғлиқ равишда белгиланиши;

– тижорат банклари томонидан бериладиган кредитларнинг гаров таъминотига нисбатан қўйиладиган талаблар Марказий банк томонидан белгиланишининг шартлиги.

3. Халқаро банк амалиётида кредитларнинг 25 фоиздан ортиқ қисмини битта тармоқда тўпланиши юқори кредит рискинни юзага келтирувчи омил ҳисобланади. 2013 йилнинг 1 январь ҳолатига тижорат банклари кредитларининг 45,0 фоиздан ортиқ қисми саноат соҳасигатўғри келган.

4. Республикамизнинг тижорат банклари томонидан корхоналарнинг кредит тўловига лаёқатлилигини баҳолашда, асосан, 5 та молиявий кўрсаткичдан фойдаланилмоқда. Бу эса, мижозларнинг кредит тўловига лаёқатлилиги хусусида аниқ ва тўлиқ хулосаларни шакллантириш имконини бермайди.

Ривожланган давлатларнинг банк амалиётида мижозларнинг кредит тўловига лаёқатлилигини баҳолашда молиявий коэффицентларнинг барчасидан комплекс тарзда фойдаланилади. Айрим молиявий коэффицентлар уларнинг ўртача тармоқ кўрсаткичи билан солиштириш орқали баҳоланади.

5. Тадқиқот жараёнида республикамиз тижорат банклари кредит портфелини бошқариш самарадорлигини ошириш соҳасида қуйидаги муаммоларнинг мавжудлиги аниқланди:

- мамлакатнинг қатор тижорат банкларида кредит портфелини диверсификациялаш талабига риоя этилмаётганлиги;

- тижорат банклари айрим ходимларининг кредит олувчи хўжалик субъектлари молиявий ҳисоботини тўғри ва ҳаққоний таҳлил этишда зарур малака ва етарли тажрибага эга эмаслиги;

- тижорат банклари кредит бўлинмалари ходимлари ўртасида хизмат вазибалари тақсимоли тўғри ташкил этилмаганлиги;

- мижозлар томонидан тақдим қилинаётган бизнес-режаларнинг банклар томонидан чуқур таҳлил этилмаётганлиги ва кредит шартномалари тузишдаги камчиликларнинг мавжудлиги;

- мижозларнинг сезиларли қисмида юқори ликвидли гаров объектларининг етишмаслиги.

Республикамиз тижорат банкларининг қисқа муддатли кредитлаш

амалиётини такомиллаштиришга қаратилган қуйидаги илмий **таклиф** ва амалий **тавсиялар** ишлаб чиқилди:

1. Кредит сиёсатида уларни жойлаштиришнинг тармоқ лимитларини ўрнатиш.

2. Республикамиз тижорат банклари кредит портфелининг диверсификация даражаси оширилиши лозим.

Агар тижорат банки кредитларининг 25 фоиздан ортиқ қисми битта тармоққа мансуб бўлган корхоналарда тўпланиши банкнинг кредит портфелининг диверсификация даражаси паст эканлигидан, банк фаолиятидаги кредит rischi кучайганлигидан далолат беради.

3. Тижорат банклари мижозларининг аксарият қисмида пул оқимининг беқарорлигини ҳисобга олиб, банкларда мижозларнинг кредит тўловига лаёқатлилигини баҳолашнинг молиявий коэффицентлар усулидан тўлиқ фойдаланишни йўлга қўйиш лозим.

Республикамизнинг қатор тижорат банкларида қўлланилаётган кредит тўловига лаёқатлилигини баҳолаш кўрсаткичлари мижознинг пул оқимини реал даражасини аниқлаш имконини бермайди. Бизнинг фикримизча, ушбу ҳолат етарли даражада баҳолаш кўрсаткичларидан фойдаланилмаётганлиги ва ўртача тармоқ кўрсаткичларини доимий равишда эълон қилинмаётганлиги билан боғлиқдир. Баҳолаш кўрсаткичларининг асосий қисми ўртача тармоқ кўрсаткичлари билан қиёсий таққослаш асосида аниқланади. Шу боисдан, мунтазам равишда эълон қилинадиган ва ҳақиқий ўртача тармоқ кўрсаткичларининг бўлиши баҳолаш тизимини такомиллаштиришнинг зарурий шarti ҳисобланади.

4. Тижорат банклари кредитларнинг гаров таъминотига қўйиладиган талабларни унификациялаш ва уларни республика Марказий банки томонидан ўрнатилишини жорий этиш асосланди;

5. Қисқа муддатли кредитлашнинг овердрафт, контокоррент усулларини жорий қилиш лозим.

## **Ф О Й Д А Л А Н И Л Г А Н А Д А Б И Ё Т Л А Р Р Ё Й Х А Т И.**

### **1. ЁЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ҚОНУНЛАРИ ВА МЕЪЁРИЙ-ХУҚУҚИЙ ХУЖЖАТЛАР.**

#### **1.1. Ёзбекистон Республикаси Қонунлари.**

1.1.1. Ёзбекистон Республикаси Конституцияси.- Т.Шарқ, 1992 йил.

1.1.2. Ёзбекистон Республикасининг “Ёзбекистон Республикасининг Марказий банки тўғрисида”ги Қонуни. 1995 йил 21 декабрь.

1.1.3. Ёзбекистон Республикасининг “Банклар ва банк фаолияти тўғрисида”ги Қонуни. 1996 йил 25 апрель.

1.1.4 Ёзбекистон республикасининг “Банк сирини тўғрисида”ги Қонуни. 2003 йил 30 август.

1.1.5. Ёзбекистон Республикасининг “Микромолиялаш тўғрисида”ги Қонуни. 2006 йил 15 сентябрь.

1.1.6. Ёзбекистон Республикасининг “Кредит ахбороти алмашинуви тўғрисида”ги Қонуни. 2011 йил 4 октябрь.

1.1.7. Ёзбекистон Республикаси банк фаолиятини тартибга солувчи Қонунлар тўплами. Т. Ёзбекистон 2011й. 448б.

1.1.8 Ёзбекистон Республикаси банклари томонидан кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш бўйича қонунчилик хужжатлари тўплами. Т. Ёзбекистон 2011 й. 728 б.

#### **1.2. Ёзбекистон Республикаси Президентининг Фармонлари ва Қарорлари.**

1.2.1. Ёзбекистон Республикаси Президентининг “Банк тизимини янада эркинлаштириш ва ислоҳ қилиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Фармони, 2000 йил 21 март.

1.2.2. Ёзбекистон Республикаси Президентининг “Бозор ислохотларини чуқурлаштириш ва иқтисодиётни янада эркинлаштириш соҳасидаги устувор йўналишлар амалга оширилишини жадаллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Фармони.

1.2.3. Ёзбекистон Республикаси Президентининг “Иқтисодиётнинг реалсектори корхоналарини қўллаб-қувватлаш, уларнинг барқарор ишлашини таъминлаш ва экспорт салоҳиятини ошириш чора-тадбирлари дастури тўғрисида”ги ПФ-4058-сон Фармони, 2008 йил 28 ноябрь. “Халқ сўзи” газетаси 29.11.2008 й.

1.2.4. Ёзбекистон Республикаси Президентининг “Иқтисодиёт реал сектори корхоналарининг молиявий барқарорлигини янада ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-4053-сон Фармони, 2008 йил 18 ноябрь.

1.2.5. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2005 йил 15 апрелдаги 56-сонли “Банк тизимини янада ислоҳ қилиш ва эркинлаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Қарори // Ҳалқ сўзи, 2005, 16 апрел, №73.

1.2.6. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Банк тизимини янада ривожлантириш ва бўш пул маблағларини банк айланмасига жалб этиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Қарори, 2007 йил 7 ноябр.

1.2.7. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Тижорат банкларининг инвестиция лойиҳаларини молиялаштиришга йўналтириладиган узоқ муддатли кредитлари улушини кўпайтиришни рағбатлантириш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”г и ПҚ-1166-сонли Қарори, 2009 йил 28 июль.

1.2.8. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Банк тизимининг молиявий барқарорлигини янада ошириш ва инвестициявий фаоллигини кучайтириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-1317-сонли Қарори, 2010 йил 6 апрель.

1.2.9. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларига кредит беришни кўпайтиришга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПҚ-1501-сон ли Қарори, 2011 йил 11 март.

1.2.10. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2010 йил 26 ноябрдаги “2011-2015-йилларда республика молия-банк тизимини янада ислоҳ қилиш, унинг барқарорлигини ошириш ва юқори халқаро рейтинг кўрсаткичларига эришишнинг устувор йўналишлари тўғрисида”ги. ПҚ-1438-сонли Қарори. “Халқ сўзи” газетаси. 2010 й.27 ноябрь

### **1.3. Ўзбекистон Республикаси Марказий банки меъёрий ҳужжатлари.**

1.3.1. Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг 1998 йил 9 ноябрдаги 242-сон “Тижорат банклари ва уларнинг филиаллари томонидан активлар сифатини таснифлаш, ссудалар бўйича юзага келиши мумкин бўлган йўқотишлар ўрнини қоплаш учун ташкил этиладиган захирани шакллантириш ва ундан фойдаланиш” Тартиби.

1.3.4. Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг 1998 йил 2 декабрдаги 556-сон “Банклар ўртасида ва уларга дахлдор шахслар билан ўтказиладиган операциялар тўғрисида”ги Низоми.

1.3.4. Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг 1998 йил 2 декабрдаги 557-сон “Бир қарздор ёки ўзаро дахлдор бўлган қарздорлар гуруҳига тўғри келувчи рискнинг энг юқори даражаси тўғрисида”ги Низоми.

1.3.2. Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг 2000 йил 22 февралдаги 429-сон “Тижорат банклари кредит сиёсатига қўйиладиган талаблар тўғрисида” ги Низоми.

1.3.3. Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг 2000 йил 2 мартдаги 432-сон “Ўзбекистон Республикаси банкларида кредит хужжатларини юритиш тартиби тўғрисида”ги Низоми.

1.3.5. Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг 2004 йил 21 майдаги 575-сон “Кредит ахбороти миллий институтининг маълумотлар базасини шакллантириш ҳамда Банклараро кредит бюросига ва тижорат банкларига кредит ахборотлари тақдим этиш тартиби тўғрисида”ги Низоми.

1.3.6. Ўзбекистон Республикаси Марказий банк Бошқарувининг 2011 йил 10 сентябрдаги “Активлар сифатини таснифлаш, тижорат банклари томонидан улар бўйича эҳтимолий йўқотишларни қоплаш учун захираларни шакллантириш ва ундан фойдаланиш Тартибига ўзгартиришлар ва қўшимчалар киритиш тўғрисида”ги 26/1-сонли Қарори.

1.3.7. Ўзбекистон Республикаси Марказий банки Бошқарувининг 2010 йил 23 октябрдаги “Тижорат банклари кредит сиёсатига нисбатан қўйиладиган талаблар тўғрисидаги низомга ўзгартиришлар ва қўшимча киритиш ҳақида”ги 34/16 – сонли Қарори.

#### **1.4. Ўзбекистон Республикаси Президенти асарлари ва маърузалари.**

1.4.1. И.А.Каримов “Ўзбекистон иқтисодий ислохотларни чуқурлаштириш йўлида”. –Т.: Ўзбекистон, 1995.

1.4.2. И.А.Каримов “Бизнинг бош мақсадимиз- жамиятни демократлаштириш ва янгилаш, мамлакатни модернизация ва ислох этишдир”. –Т.: Ўзбекистон, 2005.

1.4.3. И.А.Каримов “Мамлакатимиз тараққиёти ва халқимизнинг ҳаёт даражасини юксалтириш барча демократик янгиланиш ва иқтисодий ислохотларимизнинг пировард мақсадидир”.- Т.: Ўзбекистон, 2007.

1.4.4. И.А.Каримов “Жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози, Ўзбекистон шароитида уни бартараф этишнинг йўллари ва чоралари”. – Т.: Ўзбекистон, 2009.

1.4.5. И.А.Каримов “Асосий вазифамиз – ватанимиз тараққиёти ва халқимиз фаровонлигини янада юксалтиришдир”.- Т.: Ўзбекистон, 2010 - 56б.

1.4.6. И.А.Каримов. Банк тизими, пул муомаласи, кредит, инвестиция ва молиявий барқарорлик тўғрисида. Тузувчи Ф.М.Муллажанов. -Т.: Ўзбекистон, 2011. -528 б.

1.4.7. И.А.Каримов *“Инсон манфаатлари устуворлигини таъминлаш-барча ислохот ва ўзгаришларимизнинг бош мақсадидир”* // Халқ сўзи, 2008 йил 9 феврал.

1.4.8. *“Мамлакатимизни модернизация қилиш ва янгилашни изчил давом эттириш – давр талаби”*, Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислон Каримовнинг 2008 йилда мамлакатимизни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш яқунлари ва 2009 йилга мўлжалланган иқтисодий дастурнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган Вазирлар Маҳкамаси мажлисидаги маърузаси.

1.4.9. *“Асосий вазифамиз – Ватанимиз тараққиёти ва халқимиз фаровонлигини янада юксалтиришдир”*, Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислон Каримовнинг 2009 йилда мамлакатимизни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш яқунлари ва 2010 йилга мўлжалланган иқтисодий дастурнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган Вазирлар Маҳкамаси мажлисидаги маърузаси.

1.4.10. *“2012 йил Ватанимиз тараққиётини янги босқичга кўтарадиган йил бўлади”*, Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислон Каримовнинг 2011 йилда мамлакатимизни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш яқунлари ва 2012 йилга мўлжалланган иқтисодий дастурнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган Вазирлар Маҳкамаси мажлисидаги маърузаси.

1.4.11. *“Бош мақсадимиз – кенг кўламли ислохотлар ва модернизация йўлини қатъият билан давом эттириш”*, Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислон Каримовнинг 2012 йилда мамлакатимизни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш яқунлари ҳамда 2013 йилга мўлжалланган иқтисодий дастурнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган Вазирлар Маҳкамасининг мажлисидаги маърузаси

## **2. ТУРКУМ НАШРЛАР.**

### **2.1. Китоблар, монографиялар, дарсликлар, мақолалар тўплами.**

2.1.1. Абдуллаева Ш.З. Банк рисклари ва кредитлаш.- Т.: Молия, 2002. - 304б

2.1.2. Абдуллаева Ш.З. Пул, кредит ва банклар. Дарслик.-Т.: “IQTISOD-MOLIYA”, 2008.

2.1.3. Алавердов А.Р. Стратегический менеджмент в коммерческом банке: учеб. /А.Р.Алавердов. – М.: Маркет ДС, 2007 – 576с

2.1.4. Банковский менеджмент: Учебно-практическое пособие. – М.: Издательство «Альфа-Пресс», 2007 – 444с.

2.1.5. Банковский менеджмент: задача и решения: Учебно-практическое пособие. – М.: Издательство «Альфа-Пресс», 2009. – 232с.

2.1.6. Балабанов А.И., Боровкова Вик. А., и др. Банки и банковское дело: Учебник для вузов. 2-е изд. – СПб.: Питер, 2007 – 448с.

2.1.7. Белоглазова Г.Н. Банковское дело: Учебник для вузов – СПб.: Питер, 2008 - 400с.

2.1.8. Вешкин Ю.Г., Авагян Г.Л. Экономический анализ деятельности коммерческого банка: учебное пособие. – М.: Магистр, 2007 – 350с.

2.1.9. Грюнинг Х. ванн, Брайович Братанович С. Анализ банковских рисков. Система оценки корпоративного управления и управления финансовым риском. – М.: Издательство «Весь Мир», 2004 – 304с.

2.1.10. Диана Мак Нотон, Дональд Дж.Карлсон и др. Банки на развивающихся рынках: В 2-х томах. Т 1. Укрепление руководство и повышение чувствительности к переменам / Пер. с англ.- М.: Финансы и статистика, 1994.-336с.

2.1.11. Ермаков С.Л. Основы организации деятельности коммерческого банка: учебник. – М.: КНОРУС, 2009 – 656с.

2.1.12. Ендовицкий Д.А., Бочарова И.В. Анализ и оценка кредитоспособности заёмщика: учебно-практическое пособие. – М.:КНОРУС,2008 – 264с.

2.1.13. Жуков Е.Ф., Зеленкова Н.М. Деньги. Кредит.Банки: учебник для студентов вузов.- 4-е изд., перераб. и доп. – М.: ЮНИТИ-ДАНА, 2009-783с.

2.1.14. Коробова Г.Г. Банковское дело: Учебник - М.: «Экономисть»,2005.-751с.

2.1.15.Коробова Ю.И. Банковские операции:учеб.пособие для средн.проф.образования. – М.: Магистр, 2007 – 446с.

2.1.16. Кузнецова В.В. Банковское дело. Практикум: учебное пособие /В.В.Кузнецова, О.И.Ларина. - М.: КНОРУС, 2007 -264с.

2.1.17. Куликов А.Г. Деньги, кредит, банки: Учебник. – М.: КНОРУС,2009 – 656С

2.1.18. Лаврушин О.И. Банковское дело.- М.:Финансы и статистика, 2001.-254с.

2.1.19. Лаврушин О.И. Организация и планирование кредита.- М.: Финансы и статистика, 2002.-440с.

2.1.20. Лаврушин О.И. Банковский менеджмент: учебник / кол.авторов; под ред. д-ра экон.наук, проф. О.И.Лаврушина.- 2-е изд., перераб. и доп. – М.: КНОРУС, 2009 - 560с.

2.1.21. Муллажонов Ф.М. Ўзбекистон Республикаси банк тизими.- Т.: Ўзбекистон, 2001.- 296с.

2.1.22. “2012 йил Ватанимиз тараққиётини янги босқичга кўтарадиган йил бўлади” мавзусидаги ЎзР президенти маърузасини ўрганиш бўйича ўқув кўлланма. Тошкент 2012 йил.

### **3. ДИССЕРТАЦИЯ ВА ДИССЕРТАЦИЯ АВТОРЕФЕРАТЛАРИ.**

1. Саидов Д.А. Тижорат банкларининг қисқа муддатли кредитлаш амалиёти ва уни такомиллаштириш йўллари: Иқтисод фанлари номзоди ... Дис.//-Т.: БМА, 2007

3.2. Тухтабаев У.А. Муаммоли кредитлар ва уларни бартараф этиш йўллари: Иқтисод фанлари номзоди ... Дис.автореферати.-Т.: БМА, 2007.- 20б.

3.3. Кадыров А.К. Тижорат банкларида кредит бериш механизмини такомиллаштириш йўллари. Иқтисоди фанлари номзоди ...Дис.автореферати.-Т.: БМА, 2009.-21б.

3.4. Мамонтов Д.С. Развитие мониторинга кредитного портфеля в российских коммерческих банках. Автореферат диссертации на соискание ученой степени кандидата экономических наук.СГСЭУ, 2009.- 22с.

3.5. Александров А.Ю. Управление портфелем проблемных кредитов комерческого банка. Автореферат диссертации на соискание ученой степени кандидата экономических наук. Санкт-Петербургский государственный университет экономики и финансов, 2010. - 23с.

3.6. Фатъянова А.А. Кредитный портфель банка: стратегический, тактический и методический аспекты управления. Автореферат диссертации на соискание ученой степени кандидата экономических наук. СГСЭУ, 2009.- 20с.

### **4. ЖУРНАЛ ВА ГАЗЕТАДАГИ МАҚОЛАЛАРГА ҲАВОЛАЛАР.**

4.1. Р.Булат. Кредитларни текшириш // Бозор, пул ва кредит, №1,2000.- 22-25б.

4.2. Ҳозирги даврда кредит портфели менежменти муаммолари. // Бозор, пул ва кредит, №3,2000.- 23-28б.

4.3. Ж.Ҳасанов. Кичик ва ўрта бизнес субъектларига ажратилган кредитлар қайтарилишини таъминлаш. // Бозор, пул ва кредит, №9,2003.- 8-11б.

4.4. У.Саҳобов. Методика расчёта уровня существенности для кредитного портфеля банков. // Бозор, пул ва кредит, №12,2007.- 11-13б.

4.5.С.Аннакиличев. Банк мижозларининг кредитга лаёқатлилигини таҳлил қилиш. // Бозор, пул ва кредит, №5,2001.- 20-22б.

4.6.О.Ортиқов. Банклараро рақобат шароитида кредит сиёсати. // Бозор, пул ва кредит, №6,2006.- 8-10б.

4.7. М.Тўлаганова, Ф.Мусаева. Тижорат банклари кредит фаолиятининг таҳлили. // Бозор, пул ва кредит, №3,2005.- 15-18б.

4.8. С.Абдуллаев.Тадбиркорликни молиявий қўллаб-қувватлашда банк тизимининг ўрни. // Бозор, пул ва кредит, №12,2011. 13-15б.

4.9. З.Халдаров. Молиявий ресурслар барқарорлиги банк салоҳиятини мустаҳкамлайди. // Бозор, пул ва кредит, №12, 2011. 34-36б.

4.10. Ҳ.Абулқосимов, У.Азизов. Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик-тараққиёт омили. // Бозор, пул ва кредит, №03,2011. 19-21б.

## **6. ИНТЕРНЕТ РЕСУРСЛАРИ.**

[www.bankir.ru](http://www.bankir.ru)

[www.state.us](http://www.state.us)

[www.cer.uz](http://www.cer.uz).

[www.nbu.com](http://www.nbu.com)

[www.bir.uz](http://www.bir.uz)

[www.cbu.uz](http://www.cbu.uz)

[www.ahbor.uz](http://www.ahbor.uz)

[www.bankreferatov.ru](http://www.bankreferatov.ru)